2

*Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi*



# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | www.uzas.uz | 2017-yil 22-dekabr №52 (4450)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРҒИЗИСТОН ЖОГОРКУ КЕНЕШИ СПИКЕРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши спикери Достонбек Жумабековни қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Қирғизистон парламенти нуфузли делегациясининг мазкур ташрифи жорий йил Тошкент ва Бишкек шаҳарларида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувларнинг мантиқий давоми эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, бу давлатларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Томонларнинг амалий ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган қатъий сиёсий иродаси, турли даражадаги алоқалар ва ташрифлар фаоллашгани қисқа муддатларда салмоқли натижаларга эришиш ва ўзаро муносабатларни аниқ амалий мазмун билан бойитиш имконини бергани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатларимиз биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан халқларимизнинг бир-бирига бориб-келишлари учун қулай шароитлар яратилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми жадал ортмоқда, ҳудудлар ва саноат корхоналари ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамланмоқда, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда. Бизнес ва маданий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қирғизистон парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган битимлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши ўртасида имзоланган Меморандумнинг амалий ижроси доирасида қўшма тадбирлар ўтказилаётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Парламентлараро ҳамкорликнинг амалдаги механизмлари салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, мунтазам ва тизимли алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши спикери Достонбек Жумабеков Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ва мазмунли суҳбат учун миннатдорлик билдирди.

Меҳмон Ўзбекистонда барча соҳалар, жумладан, парламент ва фуқаролик жамияти ўрнини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгариш ва ислоҳотларнинг янги босқичини юксак баҳолади.

Қирғизистон Ўзбекистон билан дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорликка тайёр эканини таъкидланди.

**ЎзА**

Иброҳим ҒАФУРОВ таваллудининг 80 йиллигига

## ҲАССОС КЎНГИЛ ҚЎШИҚЛАРИ



Атоқли адабиётшунос олим, адиб ва таржимон Иброҳим Ғафуров "Баланд тепалар" туркумидаги "Оқ бургутлар" асарида шундай дейди:

Жўнлик устидан қозонгим келар ғалаба.

О, нақадар долзарб фикр, мардона ифода! Бугун, ҳа бугуннинг энг керак гапи, энг зарур сарлавҳаси. Ҳаётини "рақс тушиш"га тиккан бари санъат аҳли ва санъат ҳабибларининг кўнглидаги гапи, қалбидаги изтироби бу бугун.

"Ўқи, ўқи, ўқи" деган сокин, шикаста сас чалинади қулоққа. Сас танишдек туюлади. Муқаддас каломни такрор-батакрор садолантираётган овоз ўша исёнкор истак ифода топган иккинчи сарлавҳанинг муаллифиники эканини аёнлаша боради....

Гаштакнинг навбатдаги улфатчилигида ўртага баҳс тушди. Баҳс мавзусига оид не бир мақолани ўқимаган экан мунозарага киришган носир акамиз. Ўқимаслик касалига чалингансан дея, чунонам ёғилди таъна, дашном.... Каломга жуфтланган лаблар қимтиниб, лоларухсор юзлардаги кўзлар ерга қадалди. Чапани давра эмасди бу улфатчилик.... Аммо шаҳд билан айтилган дашном дилда кадар қолдирди, совуқлик инди. Бунинг рутубати анчагача тарқамади. Кўнгилда чўкинди бўлди. Озод домланинг гапи ёдимга келди:

"Қизиқ мен ҳар гал Иброҳимжон билан кўришганимда унинг кўзларидаги алланечук таъна аралаш кинояли нигоҳ қаршисида, ундаги сўз билан ифодаланмаган, лекин яққол сезилиб турадиган талабчанлик қаршисида сал-пал довдираб қоламан, қилган ишларимни, гапирган гапларимни бирма-бир хаёлдан ўтказиб, боримдан кўра яхшироқ бўлишга чоғланаман".

Устоз Шарафиддинов ана шу ҳолат – талабчанликни Иброҳим Ғафуровнинг асарларига ҳам нисбат бериб, пировардида уни ҳеч иккиланмай адабиётимизнинг виждони, деб атасак хато бўлмас, дея хулоса чиқаради... Вақтида Озод домланинг ўзига шу сифатни бериб эдик. Шукрки, адабиётимиз виждонсиз қолмаган.

Бугун жўнлик ботқоғини қуритмоқ зарур. Иқтисоду сиёсатдан тортиб саноату зироатда, табобату таълим-тарбияда, маънавият-маърифатда, санъат ва адабиётда, албатта. Чучмал эътирофлар, мақтанчоқлик, сафсатабоз, худпарастлик, пучқоқ риторика, сохта табассумлардан воз кечмоқ керак.

Ахир:

**Олам гўзал. Олам телба. Олам тубсиз.**
**Телбалик, гўзаллик тубсиз.**
**Ўзини жинниликка солди Суҳравардий**
**Ва қутулди дордан.**
**Омон қолди жони**
**бош омон қолди.**
**Менинг ҳамма хазинам бошимда дерди.**
**Баъзан олам ҳаводислари**
**Қулоғингни учириб ўтаман дейди.**
**Сен ҳам ўйлайсан иршайиб:**
**— Бошимни олиб қўйсам қутуламанми:**
**Ёқадими сизга бошсиз чавандоз?**

Давоми тўртинчи саҳифада.

## ВАТАННИНГ РАВНАҚИ ИЛМДАДИР

**Бир йилдан ортиқроқ вақт давомида Ўзбекистонда маънавият ва маърифт, илму фан, дину диёнат соҳасида қилинган ишлар оламшумул воқеалар сифатида тарихимизда қайд этилмоқда. Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий Халқаро илмий-тадқиқот маркази, Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Фиқҳ, Ҳадис, Калом илми ва Тасаввуф мактабларининг барпо бўлиши, Республикамизнинг бир қанча вилоятлари ва Қорақалпоғистонда янги масжидлар бунёд этилаётгани, илму фан, ижод, адабиёт ва санъатга бўлган эътибор, шубҳасиз, буюк аждодларимиз, қадимий миллий салоҳиятимиз руҳига мувофиқ улуғ воқеалардир.**

Муносабат

Табрик ва муборакбод этишга лойиқ яна бир улкан воқеа – Ўзбекистон Ислом академиясининг ташкил этилиши ҳар бир зиёлининг, ҳар бир илму маърифат аҳлининг қалбида буюк қувонч ва ҳаяжон уйғотган хайрли хушхабардир. Шубҳа йўққи, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев имзоси билан Ислом академиясининг барпо этилиш санаси – 2017 йилнинг 15 декабри Ватанимиз тарихида, маънавият оламида абадий ўчмас ҳарфлар билан ёзилади.

Биз бандамиз, некбин ва яхши ниятли инсонлар ўлароқ қувонч ва шукронамизни сўз билан ифодалашга ошиқамиз. Аллоҳ таоло бизни шундай азиз зотлар билан замондош қилдики, бу қувончли дамда уларни теран тафаккур билан эслаймиз: агар Мавлавий Ҳиндистоний-Қўқандий, Қози Абдуррашид Фарғоний, Алихонтўра Соғуний, Шайх Қутббиддинхон Ургутий-Тошкандий, Темурхон Эшон Нақшбандий, Назруллоҳхон Ғарибий, Аҳмаджон Махдум Ҳанафий-Нақшбандий, Шайх Теша Бобо Галаосиёий-Бухорий, Шайх Дўстмуҳаммад Турсун Шўрчагий, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Шайх Муқимхон Ургутий каби зотлар ҳаёт бўлганларида эди, албатта, ватанимизда рўй бераётган бу тарихий воқеаларга эзгу дуолар ила ўз табрикларини эълон қилган бўлар эдилар. Мен бу оламшумул маънавий ва моддий ишларда яқин кечмишимизда ўтган улуғ шайх ва алломалар руҳининг шодлигини ҳис этаман. Мен бу қувончли дамда атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов, буюк, беназир ҳукмдор Ислом Каримов руҳининг шодлигини тасаввур қиламан.

Ислом академияси ҳақидаги қарорни ўқиб, самимий ўй-фикр ва мулоҳазаларимни изҳор қилишга азм этдим. Муқаддас ислом дини илму маърифатга асосланган эътиқоддир. Ҳазрати Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг "Афзалукум иймонан – афзалукум маърифатан", яъни: "Сизларнинг иймон-эътиқодда афзаллрингиз маърифатда афзалларингиздир" деган муборак сўзлари, "Алмаърифату – нурул қалби", яъни: "Маърифат қалбнинг нуридир" деган ҳикматлари, ёхуд: "Ман акрома ъолиман фа қод акроманий", яъни: "Кимки олим кишини ҳурмат қилса, шубҳасиз, у мени ҳурмат қилган бўлади" деган гўзал ҳадислари буюк аждодларимиз учун ҳаёт мезони бўлиб келган. Ҳар қайси замонда ҳам илмга ва олимга бўлган эҳтиром – ҳазрати Пайғамбаримизга бўлган эҳтиром намунаси саналган.

Давоми иккинчи саҳифада.

**Эркин ВОҲИДОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири**

Эътиқод

## ВАТАН ҚАДРИ

**Чашма қошида тиниқ сув**
**Қадрини билмас киши,**
**Сайр этиб гулшанда гулни**
**Кўзига илмас киши.**

**Ваҳ, бу не ғафлатки инсон —**
**Кўксида тутмиш ватан,**
**Ким ватан ичра ватаннинг**
**Шукрини қилмас киши.**

**Юрт недир, юрт доғи недир,**
**Юртдан айрилган билар,**
**Англагувчи юрт фироқин**
**Юртда топилмас киши.**

**Эй, ватандошим, эшит**
**Бобуру Фурқат ноласин,**
**Бесабаб андуҳ тиғида**
**Бағрини тилмас киши,**

**Билма, фарзандим, ватан ҳажрини,**
**Лек қадрини бил —**
**Ким ватан қадрини билмас,**
**Англа, комилмас киши.**

* * *

**Ватан, то танда жоним бор,**
**Сенингдирман, сенингдирман,**
**Таним ҳок ўлса ҳам сен ёр,**
**Сенингдирман, сенингдирман.**

**Жаҳон кенгдир, фалак кенгдир,**
**Юрак кенгдир, чу сен борсан,**
**Сенингсиз икки дунё тор,**
**Сенингдирман, сенингдирман.**

**Менга бегона элларда насиб гар**
**Ўлса юз роҳат**
**Чекай бағрингда минг озор,**
**Сенингдирман, сенингдирман.**

**Агар шодликларинг оздир,**
**Менингдирсан, менингдирсан,**
**Магарким ғамларим бисёр,**
**Сенингдирман, сенингдирман**

**Бугун бор, эрта йўқ жисмим,**
**Валек руҳим учун мангу**
**Сенинг мангулигинг даркор,**
**Сенингдирман, сенингдирман.**

**Сенинг ишқинг билан ёндим,**
**Кетар жонимда бу оташ,**
**Сенингдирман, яна такрор,**
**Сенингдирман, сенингдирман.**

## «ТОШҚИН БЎЛИБ ОҚИБ ЎТ»

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 15-16 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифини телевизор орқали катта ҳаяжон билан томоша қилиб ўтирдим. Бу ҳаяжон, бу ғурур туғилиб ўсган юрт соғинчи билан қўшилиб, юрагимни тўлқинлантириб юборди, кўзларимга ёш келди!**

Юртбошимиз дастлаб Нукус шаҳрида янги қурилган Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолияти, мактабдаги шароитлар билан танишди. Президентимизнинг бу ерни маънавият масканига айлантириш, атоқли шоир ва ёзувчиларимиз ижодини халқимизга ва бутун дунёга тараннум этиш зарурлиги, бунинг учун мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ташкил этилган Ибрат, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф номидаги мактаблар билан алоқалар ўрнатиш ҳақидаги фикрлари адабиётга, маънавиятга улкан эътиборининг, ижодкорларга ҳурмат-эҳтироминининг, ўсиб келаётган ёш авлодга – келажагимиз эгаларига меҳр ва ғамхўрлигининг ифодасидир.

Икки юздан зиёд ўқувчига мўлжалланган мактабда кенг ва ёруғ синфхоналар, юз ўринли ётоқхона, дарслик, турли адабиётлар ва бадиий китоблар билан таъминланган кутубхона, интернет тармоғига уланган замонавий компьютерлар билан жиҳозланган синфхона, спорт зали, димоқни қитиқлаб, ширин ҳид таратиб турган ошхона... Эҳ-ҳе, болалар учун барча шароитлар муҳайё!

— Давлатимиз раҳбари жорий йил 21 январь куни Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон халқ шоири Ибройим Юсупов номидаги мактаб бунёд этиш, мактаб олдида шоир ҳайкалини ўрнатиш, босмахона ташкил қилиш бўйича топшириқлар берган эди, — дейди мактаб-интернат директори Парахат оға Палимов. — Кўз-очиб юмгунча уч қаватли замонавий, барча шароитларга эга улкан зиё маскани барпо этилди. Шаҳримиздаги бу ўзгаришлардан қувончимизнинг чеки йўқ! Кечаги учрашувдан кейин ўқувчиларнинг ўзларига бўлган ишончи янада ортди. Ҳаммасининг кўзида ҳаяжон, севинч нурлари порлаб турибди. Қадамлари шаҳдам, овозлари ўктам. Давлатимиз раҳбарининг ишончи уларга куч-ғайрат бағишлаб юборди.

Мактабимизга болаларни бешинчи синфдан қабул қиламиз. Бу йил шаҳар, туман ва энг чекка овуллардан 5-10 синфда ўқийдиган энг иқтидорли ўқувчиларни тест синовлари асосида саралаб олдик. Ўттиз нафардан зиёд педагог-ўқитувчи ўқувчиларга дарс бермоқда. Ўғил-қизларимиз мактаб дарсларидан ташқари, турли тўгаракларда фаол қатнашади. Айниқса, тил ва адабиётга қизиқувчи, истеъдодли ўғил-қизлар кўп. Улар билан эл суйган адиблар, шоир-ёзувчилар, санъаткорлар иштирокида маънавий-маърифий учрашувлар мунтазам ташкил этилади.

Дарҳақиқат, мактаб бугун барча адабиёт мухлислари билан гавжум. Олдидаги мўъжаз хиёбоннинг ўртасида шоиримизнинг ҳайкали савлат тўкиб турибди. Кираверишда тўрда шоирнинг сурати. Сурат тагида шоиримизнинг миллий ва дунё адабиётининг буюк намояндалари – Шароф Рашидов, Зулфия, Миртемир, Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Абдулла Орипов билан тушган суратлари, давлат мукофотларини олганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, қўлёзмаларидан иборат бурчак.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Энг асосий вазифа – ёш авлодга пухта билим бериш, уларни маънан етук инсонлар қилиб тарбиялаш» деган эзгу даъватлари, сал нарироқда Ибройим оғанинг: «Одам одамнинг қуёши, Кўнгил кўнгилдан сув ичар», деган гўзал сатрлари деворга зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Шоир Ибройим Юсупов ўзидай кенг, танти, жўшқин, умид ва ишончга тўла шеърларида одамларга, эл-юртга, Ватанга, халққа бўлган улкан меҳр-муҳаббатини намоён этиб келди. Унинг бу муҳаббати софлиги, дилбарлиги, улуғворлиги билан халқнинг қалбида мангу муҳрланиб қолди.

Устоз ижодкорлардан — Шароф оға Уснатдинов, Бахтиёр Генжемурод, Минайхон Жуманазарова, Гулистон Давлетова билан учрашувлар болаларнинг адабиётга, ижодга бўлган қизиқишини янада оширган бўлиши шубҳасиз. Айниқса, мактабда «Аязий» журналининг чоп этилаётгани, «Аязий избосарлари» танловининг ўтказилиши қалбида ижодга иштиёқи бор ўғил, қизларнинг иқтидорини юзага чиқариши, келажакда улар орасидан ҳам етук шоир ва ёзувчилар етишиб чиқишини таъминлаши шубҳасиз.

Мактаб ўқувчиларининг бахтиёр, шодон юз-кўзларига қараб, дунёларга сиғмай турган орзу-умидларга тўла сўзларини тинглаб, шоиримизнинг мана бу шеърини эсга олдим:

**Замонинг бор давру даврон сурарга,**
**Сувман десанг, тошқин бўлиб оқиб ўт.**
**Шамол бўлсанг, довул бўл дуриллаган,**
**Чўғман десанг, юракларни ёқиб ўт.**

**Гулман десанг, оҳу зор эт кўзларни,**
**Тилман десанг, дур қилиб соч сўзларни,**
**Авлодларинг номинг тилга олганда,**
**Танигандай яхши нишон тақиб ўт.**

**Вақт бебаҳо, исроф қилма текинга,**
**Қийинчиликдан қўрқиб, ортга чекинма,**
**Гуркираган эркин ёшлик кўкида,**
**Тоғлар оша чақмоқ бўлиб чақиб ўт.**

**Ёшлик умринг ёзилмаган бир достон,**
**Яхшилаб ёз, бир сўзни ҳам бурмасдан,**
**Ушбу сўзни эсдан чиқарма асло,**
**Ёшлик сенга берилади бир марта.**

**Байрам АЙТМУРОД**

# ВАТАННИНГ РАВНАҚИ ИЛМДАДИР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Қарорнинг 1-бандида: "Белгилансинки, Академия Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигидаги диний ва дунёвий таълим берувчи нодавлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланди" дейилади. Бу банддан икки нуқтани мулоҳаза қиламан: биринчидан, Мусулмонлар идораси 74 йиллик тарихи давомида мислсиз янги шарафга эга бўлди. Иккинчидан, жаноб Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг "Утлубил-илма ва лав бис-Сини", яъни: "Хитойгача бориб бўлса ҳам илм талаб қилинглар" деган муборак ҳадисини уламолар: "Бу – диний илмлар билан бирга дунёвий илмларни ҳам ўрганишга рухсат ва тарғибдир. Чунки у даврда Хитойда диний илм йўқ эди, лекин дунёвий илмлар мавжуд эди", деб шарҳлаганлар. Диний ва фойдали дунёвий илмларни ўрганиш мамлакат истиқболининг икки қанотидир.

Муҳим қайдларидан яна бири – Академия ректорининг Академия тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга эканлигидир. Бу илм даргоҳининг келажаги ва равнақи учун раҳбарга берилган улкан имкониятдир. Мазкур ҳуқуқдан тўғри фойдаланиб, балки Академияда Матншунослик ва манбашунослик факультетини очиш мумкин бўлар. Аслида бундай факультетни Мир Араб олий мадрасаси, Тошкент Ислом институти ва Ислом университетида ҳам очишга эҳтиёж бор. Чунки илмий-тадқиқот институтлари учун етук мутахассислар тайёрлаш ўта долзарб масаладир. Бир маҳаллар Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймон, Ғулом Каримов, Субутой Долимов каби зотлар ва бошқа илм-фан арбоблари мумтоз адабиёт ва илм-фан хазиналарини нечоғ дақиқлик билан халққа етказар эдилар. Эҳтиёж давр талабига яраша бўлади. Бугунги кенг имкониятлар даврида ҳазрат Навоий, Лутфий, Фузулий, Огаҳий, Махтумқули асарларини, Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти хазинасида сақланаётган неча минглаб илмий-маърифий китобларни бекам-кўст қилиб нашрга тайёрлайдиган ёки араб, форс тилларидан таржима қиладиган етук ва фидойи мутахассисларга жуда муҳтожмиз.

Қарорда таъкидланганидек, "Қуръоншунослик", "Фиқҳ илми", "Ҳадисшунослик" ва "Калом илми" мутахассислиги бўйича магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борувчи илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш" ўта муҳим қайдлардандир. Бунинг моҳиятини англаш, неъматнинг қадрига етиш учун маълум даврларда иймон-эътиқодли, исломий табиатдаги шахслар, дин олимларининг жамиятдан четлатиб қўйилганини эслаш кифоядир. Бу банд мени хаёлан яқин ўтмишга қайтишга ундайди. Марҳум аллома Ғайбулла Саломов ёзишича, мустамлака даврида Шароф Рашидовнинг пинҳона қўллашлари билан, атоқли шайх Қутбиддин Эшон катта қийинчилик билан илмий ишни ёқлаб, фан номзоди бўлганлар. Соқолли, яктак-жуббали, дўппили бир зотнинг Фанлар академиясида ўралашиб юриши кўпларга ғаройиб туюлган. Лекин у киши турли таъна-маломатларга жавобан, ҳазрати Навоий асарлари луғатини, хусусан, муҳташам "Хамса" асари луғатини тузиб, илм-фан аҳлини ҳайратда қолдирганлар.

"Ислом динининг асл моҳиятини, унинг башариятни эзгуликка элтувчи дин эканлигини илмий асосланган ҳолда теран ўрганиш ҳамда тарғиб этиш" — Академиянинг асл мақсад ва моҳияти ана шу жумлада жамланган, десак дуруст бўлади. Бу банд муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жаҳон минбарида – БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқининг амалий самарасидир.

Муҳим нуқталаридан яна бири, Академияга Ўзбекистон ва хорижий давлатлар фуқароларининг қабул қилиниши ҳақидаги банддир. Биз бугун Озарбайжон фарзанди, Кавказ мусулмонлари шайхулисломи Оллошукур Пошшозода, Қозоғистон дин арбоблари Абдулла Жолдасев, Исмоил Бердиев, Туркманистоннинг собиқ муфтийси Насрулло Ибодуллаев, Чеченистоннинг собиқ Президенти, марҳум Шайх Аҳмад Қодиров (ҳозирги Президент Рамазон Қодировнинг отаси), собиқ иттифоқ ва Сибирь муфтийси Шайх Талъат Тожиддин, Татаристон Республикаси собиқ муфтийси Габдулла Галилулин, Қозон муфтияти раиси Гусман Исҳоқов, Шайх Равиль Гайнуддин сингари дин ва жамоат арбобларининг Бухородаги Мир Араб мадрасаси ёки Тошкент ислом институтида таълим олганларини эслаб фахрланамиз. Ўзбекистоннинг янги ўқув даргоҳлари бундан-да ортиқ нуфуз ва эътиборга эга бўлиб, юртимиз шаъну шавкатини оламга ёйишда фидокор бўлишини орзу қиламиз.

Масалан, дастлабки босқичда Мир Араб олий мадрасаси ва Тошкент Ислом институтига қўшни ёки бошқа аҳолиси туркий мамлакатларнинг вакилларидан ўқишга қабул қилиб, алоҳида гуруҳ тузиш мумкин. Бунинг учун таржимонлар ёки алоҳида ўқув дастурларига эҳтиёж йўқ, чунки улар ўзбек тилини бемалол тушунадилар. Келажакда эса қабул имкониятлари янада кенгайтирилади. Демак, мазкур банддан ана шундай хушхабарларни умид қилсак бўлади. Зотан, Давлатимиз раҳбари "Келажак бугундан бошланади!" деб таъкидлаяптилар ва инсонларни халқчил фаолиятга ундаяптилар.

Қарордаги **"Қуръони карим ва ҳадис илмининг асл моҳиятини, тафсир ва фиқҳ, ҳадисшунослик мактабининг илмий-маънавий асослари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи малакали илмий ва илмий, педагог кадрлар таёрлаш"**га бўлган эътибор – халқ, ватан ва миллат келажагига бўлган эътиборнинг ошкор намунасидир. Бу илмий соҳаларга ботин фиқҳи бўлмиш тасаввуф таълимининг қўшилиши жасадга руҳнинг қўшилиши, қалбга нур ва сўзга мазмуннинг қўшилишидек хосиятли бўлишига шубҳа йўқ.

Тасаввуф сояи давлатида қадим-қадимдан яшаб келган ва буюк маънавий ютуқларга сабаб бўлган устоз-шогирдлик мактабларининг қайта тикланиши эса бой берилган имконларнинг, миллий ҳаёт тарзининг, Соҳибқирон Амир Темур маърифатининг қайта тикланишидир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятларини улуғ ихлос билан жаҳоннинг беназир алломаси, буюк муҳаддис Абу Ийсо Муҳаммад Термизий мақбараларини обод этишдан бошлаган эдилар. Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги ёдгорлик мажмуаси қайтадан бунёд қилиниб, дунё зиёратчиларига тақдим этилди. У манзилда беназир жомеъ-масжид барпо қилинди. Термиз шаҳрида янги муҳташам масжид ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг биноси бунёд этилмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Фанлар Академиясини ривожлантириш, тил ва луғат бойликларимизни қайта жамлаш, табобат-медицина, фармацевтика, ўқув-педагогика, иқтисодиёт ва аниқ фанлар соҳаларини равнақ топтириш, хотин-қизлар таълими соҳаларига эътибор қаратаётганлари, Ҳадичаи Кубро аёл-қизлар ўқув даргоҳини кенгайтириш ва қайта қуриш, республикамизнинг ҳамма вилоятларида ислом ўқув даргоҳлари ва аёл-қизлар илмгоҳларини замон талабларига мувофиқ ҳолда ташкил этиш борасида эсаётган хушхабарлар зиёлилар, олим-ижодкорлар кўнглини кўтармоқда ва уларни янги фаолиятларга ундамоқда.

Ғайрат ва шижоат билан олиб борилаётган ана шу эзгу ишларнинг давоми ўлароқ Ўзбекистон Ислом академиясининг ташкил этилиши чексиз шукронага лойиқ улкан воқеадир. Яратган Эгамиз бизга ва халқимизга бу улуғ неъматлар қадрини англаш ва унга муносиб бўлиш бахтини бардавом айласин.

**Мирзо КЕНЖАБЕК,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

## Ўзбекистон Қаҳрамони Абдуғани Абдуллаев



Ўзбекистон Қаҳрамони, моҳир ҳунарманд, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Абдуғани Абдуллаев шу йил 18 декабрь куни вафот этди.

Абдуғани Абдуллаев 1953 йилда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида уста-ҳунармандлар оиласида туғилди.

У улуғ аждодларимиздан авлодларга ўтиб келаётган халқ амалий санъатининг ноёб дурдоналарини юксак маҳорат билан яратиб, юртдошларимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Хусусан, Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий, Бухоро вилоятидаги Баҳоуддин Нақшбанд мақбаралари ёдгорликларини қайта тиклашда, Тошкент шаҳридаги Хотира хиёбони мажмуаси, Қатағон қурбонлари музейи, Фарғона вилоятидаги Бурҳониддин Марғиноний мажмуасини бунёд этишда ноёб ёғоч ўймакорлиги ишларини бажариб, ўзининг юксак маҳоратини намоён этди.

Унинг ижодига мансуб наққошлик намуналари нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатлардаги нуфузли кўргазмаларда ҳам намойиш этилиб, юксак эътирофга сазовор бўлган.

Абдуғани Абдуллаев ёғоч ўймакорлигининг кўп асрлардан буён сақланиб келаётган қадимий ва ноёб турларини келгуси авлодларга етказиш мақсадида устоз-шогирд анъаналарини изчил давом эттириб, миллий ҳунармандчилик сирларини 600 нафардан ортиқ ёшларга ўргатди.

Шунингдек, фаолияти давомида йўқолиб кетаётган ноёб нақш турларини тиклаш, янги услубларни амалиётга жорий этиш ишларида ҳам фидойилик намунасини кўрсатди.

Абдуғани Абдуллаевнинг миллий ҳунармандчилик санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикаси халқ устаси, Ўзбекистон Қаҳрамони унвонлари билан мукофотланган эди.

Моҳир ҳунарманд, миллий амалий санъатимизнинг жонкуяр фидойиси, камтар ва самимий инсон Абдуғани Абдуллаевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, А.ИКРАМОВ, А.НУРИДДИНОВ, Ш.ҒАНИЕВ**

# ОДАМ ОДАМНИНГ ҚУЁШИ

Ифтихор

**Мустақилликнинг илк йилларидаёқ амалга оширилган ислоҳотларнинг натижаси бугун бўй кўрсатиб, жаҳон аҳлини лол қолдирмоқда. Бунинг исботини яқинда ота юртим – Қирғизистонга қилган сафарим чоғида кўриб гувоҳ бўлдим.**

Жорий йилнинг ноябрь ойида Президентимиз фармони билан Навоий кон-металлургия комбинати тизимида кончи ишчи-ходимлар ва ёшлар ўртасида миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилиш йўлидаги ҳалол меҳнатларим қадр топиб, Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиндим. Фуқаролик паспортини қўлга олгач, икки йиллик айриликдан сўнг отам ва яқин жигарларим дийдорига ошиқдим. Навоийдан Андижон томон бораяпману, хаёлимда битта фикр чарх уради: "Чегарадан қандай ўтарканман?". Негаки, кейинги беш-ўн йилларда чегара ҳудудидан ўтиш анча муаммо эди.

Минг хил ўй-фикрлар билан Андижон вилоятидаги "Маданият" чегара постига яқинлашдим. Белгиланган тартибда декларация тўлдириб, божхона ходимларига учрадим. Ходимларнинг хушмуомалалиги, самимияти кўнглимни кўтарди. Улар юкларимни махсус текширувдан ўтказишгач, оқ йўл тилаб кузатиб қолишди. Бу иззат-ҳурматдан хурсанд бўлиб, Қирғизистон чегара пости томон йўл олдим. Ҳудуддаги чегарачи аскарларнинг интизоми, меҳрибонлиги мени янада хурсанд қилди. Божхона ходимлари ҳам хушмуомалалик билан "Хуш келибсиз", дея қарши олишди. Юкларимга, ҳужжатларимга бирон-бир эътироз бўлмади.

Бу гўзал илтифотлардан кўнглим чоғ бўлиб, "Маданият-Бозорқўрғон" йўналишидаги автоуловга яқинлашдим. Қирғиз миллатига мансуб ҳайдовчидан тортиб ҳамроҳлик қилаётган йўловчиларнинг юз-кўзидаги қувонч, ҳазил-мутойиба мен учун кутилмаган ҳолат эди. Чунки бундан олдинги ташрифларимда бу ердаги кескин вазият, одамларнинг асабий кайфияти ва қўпол муомалалари хаёлимда муҳрланиб қолганди.

Ахир, ораси минг километр ҳам чиқмайдиган ота уйимга паспорт ва чегара муаммолари сабаб икки йил дегандагина ташриф буюра олдим. Бу отам ва жигарларим учун ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Фарзанд дийдорига зор ғамгусор отамнинг паспортимни қўлига олиб, ёш боладек суюнишини айтмайсизми! "Воҳ, буни қара-я, буни қара, иложи бор экану", деб у ёқдан бу ёққа юриб қувонишини кўрсангиз эди.

Келган кунимнинг эртасига ҳовлимиз одамга тўлди. Барча қариндошларнинг кайфияти аъло. Ҳамма бирдек хурсанд, ҳамма бўлаётган янгиликлардан гапиргиси келади. Гап кўпроқ Ўзбекистондаги мислсиз ўзгаришлар, чегараларнинг очилиши, қирғиз ва ўзбекларнинг бир-бирига илиқ муносабатлари ҳақида бўлди. Ора-сира менга ҳам савол бериб қўйишади:

— Ўзбекистон худди телевизорда кўрсатгандай чиройлими? Ростданам шунақа ўзгаришлар бўлаяптими?

Жавоб беришга улгурмайман. Гапни чегаралар очилиши билан Ўзбекистонга келиб, меҳмон бўлиб кетишга улгурган бир холам илиб кетади:

— Вой, нима деяпсиз, Ўзбекистон телевизорда кўрсатаётганидан ҳам чиройли. Бу бунёдкорликлар, бу ободончиликлар...

Бағри баҳор юртдошларимни кузатиб ҳузур қиламан, дилтортар гапларига завқим келади. Қалбимда болаларимни бағримга босиб яшаётган тинч-осуда маконим, ҳалол меҳнатларим, ижодий ишларим қадр топаётган бахтли ошёним – Ўзбекистондан фахрланиш туйғулари жўш уради. Қариндошларим, яқинларим Юртбошимизга соғлик, омонлик, узоқ умр тилаб ҳар тонг, ҳар оқшом шукр қилишади.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг бағрикенглик билан қилаётган улуғвор ишлари туфайли қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасидаги муносабатлар илиқлашиб, улар янада қалин бўлганидан кўнгли тўлган, йиллаб кўрмаган жигарларини кўриб бағри тўлган ватандошларимнинг самимиятга йўғрилган дил сўзларини қалбимга жо қилиб, уларни тезроқ ҳамюртларимга етказишга шошилдим. Зеро, ўзбек халқининг тинч-омонлиги, фаровонлиги қўшни давлатларнинг ҳам тинчлиги экан, бу дориламон кунлар қадрига етишимиз зарурлигини унутмаслигимиз керак.

**Салима ХОЛДОРОВА,**
**журналист**

# ОТА-ОНА — АНДОЗА

Одам, одоб, ахлоқ



Укам қизариб кетган қўлларини "кух-кух"лаганча отамга жавдираб қаради. Гарчи кузнинг биринчи ойи бўлса-да, кечки совуқ кучли эди. Отам лой этигини остонага етмасдан тўхтаб қоқаркан, яна укамга қаради, қўлидаги мол боғлайдиган темир занжирни бир четга улоқтирганча:

— Мен сенга, бу занжирни қаерда олдинг деб сўраяпман, — деди.

— Нормамат built бованинг боғининг четидан.

— Топган матоҳингни ўша жойга олиб бориб ташла.

Печкага ўт қалаётган онам оҳиста товуш билан деди:

— Эртага эрталаб молни ҳайдаганда ташлаб ўтар. Қоронғи тушиб қолди, ҳозир кўчада дайди ит кўп.

— Мени ҳеч нарса қизиқтирмайди, — деди отам остона ҳатлаб уйга кираркан. — Қаердан олган бўлса ўша жойга қўйиб келсин.

Саккиз ёшли ўйинқароқ укам занжирни судраб ташқарига йўналди. Онам укамнинг ортида кузатиб бориш учун калишини оёғига илди. Шунда отам:

— Ҳеч ким ортидан бормасин. Ўзи ташлаб келади. Қаердан олган бўлса ўша ерга ташлаб келади, — деди қовоғини уйиб.

Укам бурнини тортганча, кўзида жиққа ёш билан қоронғида қирнинг орқасида турадиган Нормамат бованинг боғи томон йўл олди.

Ўшанда отамни бағритошликда айблаганим рост. Аммо мана шу кичкина воқеа биз учун катта сабоқ эканини бола қалбимиз билан англамаганмиз.

Укам ҳозир ўзи фарзанд тарбиялаяпти. Бир гал унинг хотинига танбеҳ бераётганини эшитиб қолдим.

— Иккинча марта косангдаги гўштни болаларга солганингни кўрмай.

— Ахир, бермасангиз йиғлайди, қандай қилиб боламдан овқатни қизғанишим мумкин.

— Ўзининг косаси қолиб бировнинг луқмасига кўз олайтирган бола, вояга етгач, ўзгалар ҳаққини тап тортмай ўзлаштирадиган бўлади...

Ушбу суҳбатни эшитиб отамнинг бизга берган сабоқлари зое кетмаганини англадим.

Улғаярканмиз, ота-онамизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини ўзлаштириб оламиз. Ўзимиз ҳам қачонлардир оила қургач ота-она бўламиз ва ҳар бир хатти-ҳаракатимиз билан фарзандларимизга сабоқ берамиз. Ҳа, ўзимиз билмаган ҳолда фарзандларимизни тарбиялаймиз. Улар вояга етиб ножўя қадам босганини билиб қолсак, мен қаерда хато қилдим, деб ёзғирамиз.

Кечагина телевидение орқали бир фирибгар йигитни кўрсатишди. Тоғни урса талқон қиладиган, сумбатидан от ҳуркадиган йигит одамларга "Кўмир олиб келиб бераман", деб пластик карточкасию пулини тап тортмай ўзлаштириб олганини кўрсатишди. Ачинарлиси, унга алданганларнинг барчаси маҳалладошлари. Ахир, буям ўғирликнинг бир тури. Хўш, бундай болалар қаердан пайдо бўлади? Албатта, ота-онадан ибрат олади. Боланинг ёлғон гапиришига икки нарса сабаб бўларкан. Биринчи сабаб, бола қўрққанидан ёлғон гапиради, иккинчиси, отаси ёки онаси ёлғончи бўлади. Бу икки сабаб ҳам тарбия масаласида хатоликка йўл қўйилганини англатади.

Бола қачон ўзганинг чўнтагига қўл тиқади? Қачонки, оналар турмуш ўртоғининг чўнтагига сўрамасдан қўл солса. Баъзи оналар ўғил-қизлари олдида турмуш ўртоғидан пул яширади. Демак, эртага ўғил-қизлари ҳам худди шундай — ота-онасидан пул яширади. Одамлар орасида гувоҳи бўлганим бор, она қизига: "Отангга ёлғондан кўз ёш қилсам яширган пулларини шундоқ бериб қўяди", "Қизимга айтдим, ёлғондан йиғлаб дадангдан пул ундир", деган суҳбатларга. Яна ўша гап, биз фарзандларимизни ўзимиз билмаган ҳолда — хатти-ҳаракатимиз билан тарбиялаб борамиз. Шу кичиккина воқеанинг ўзида иккита хатолик бор: эр хотиндан пул яширади, она ёлғондан йиғлаб пулга эга чиқади. Онасининг отасига тилёғламалик ёки иккиюзламачилик қилаётганини кўрган фарзанднинг худди шу одатни юқтириб вояга етиши шубҳасиз. Тилёғлама ва иккиюзламачи одам нафақат оила, балки жамиятга катта зарар келтиради.

Ота-онанинг ибрати нимадан иборат? Ўзгалар хатти-ҳаракати, ўзгалар ҳаётига лоқайд инсонларнинг фарзандлари тарбияда оқсайди. Балки маҳалладошларини алдаган ўша йигитнинг ота-онаси фирибгарлик қилмагандир. Аммо катталар вақтида атрофидаги фирибгар, юлғич одамларни кўриб кўрмаганга олган. Ота-онанинг уларни қораламаётганини ёки муносабатини, нафратини билдирмаётганини кўрган бола бу ҳолатни табиий деб ҳисоблаган. Оилада, оила даврасидаги суҳбатларда фақат панд-насиҳатнинг ўзигина етарли эмас. Атрофида бўлаётган воқеаларга муносабат билдириш ҳам болани мулоҳаза қилишга, фикрлашга ундайди. Масалан, қўшнининг ўғли ўғирликка қўл урди. Оиладаги катталар унга нисбатан нафратини яширишмаса, бировнинг, ҳатто нинасига кўз олайтириш жуда ёмон одат эканини айтишса бола келажакда шундай одатлардан тийилади. Атрофдагиларнинг ножоиз хатти-ҳаракатини оилада муҳокама қилиш, унга нисбатан керак бўлса нафратни яширмаслик болада ҳам шундай нарсалардан ҳазар қилиш ҳиссини шакллантиради. Зеро, нафратлана билиш, ҳар бир ҳалол одамнинг энг муҳим қуролидир, деб бежиз айтишмайди.

Мутафаккирларимиздан Абдурауф Фитратнинг "Оила" асарида фарзанд тарбиясига алоҳида урғу берилган. "Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши — болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ", деб ёзади адиб. Зеро, мамлакатимизда ёшлар тарбиясига, комил инсон бўлиб вояга етиш масаласига Юртбошимиз алоҳида эътибор билан қараётгани, улар учун барча шарт-шароитларни яратиб бераётгани бежиз эмас...

* * *

Қадим замонда Абдусалом деган бир одам ўтган экан. Унинг яккаю-ягона фарзанди бўлиб, у боласини жуда яхши кўрар, еру кўкка ишонмас экан. Кунлар, йиллар ўтиб бола улғайибди. Бир куни у отасидан маслаҳат сўрабди:

– Эй, ота! Энди нима касб қилай?

Отаси дебди:

— Ўғлим, "Боғланган ит овга ярамас", деган гап бор. Энди сен бир ҳунар ёки касбни ўзинг танла ва шунга меҳр қўй.

Шунда ўғли ичида "Энг яхши ва осон касб – ўғрилик бўлса керак", деб ўйлабди. Кунлардан бир кун ўғил қўшни хонадондаги битта катта қўчқорни ўғирлаб уйига олиб келибди.

Бундан хабар топган отаси:

– Энди иккимиз бир ҳафта уйдан чиқмай, шу қўйни мазза қилиб еймиз, — дебди.

Хуллас, ота-бола бир ҳафта мазза қилишибди. Қўйни еб бўлгач, ўзларини тарозида тортишибди. Ўғил бир ҳафтада уч килога озибди. Ота эса тўрт кило семирибди. Ўғил ҳайрон бўлиб отасига боқибди.

Ота кулиб дебди:

— Эй, нодон ўғил! Билиб қўй, сенинг режангни кўнглим сезиб ўғирлаган қўйнинг пулини мен бир кун олдин қўшнига бериб қўйганман. Шунинг учун мен ҳалол луқмамни хотиржам едим ва семирдим. Сен эса ўғрилигимни биров билиб қолмасмикан, деган ҳадикда еган-ичганинг ўзингга юқмади. Ўғирлик энг тубан кишиларнинг иши. Сен ўзингга ҳалол касб танла. Шунда у дунёинг ҳам, бу дунёинг ҳам обод бўлади. Чунки ҳалоллик – жаннат меваси, ҳаром эса дўзах кулфатидир.

Бу бир ривоят. Аммо орамизда фарзанди уйга кўчадан бирон нарсани ҳаром йўл билан келтирса лоқайд қарайдиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Бировнинг арзимаган нарсасини ўзлаштириш, келажакда катта-катта олғирликларни келтириб чиқаради. Миллат келажаги оналар қўлида, деб бонг урамиз. Аммо бола тарбиясига маъсул она ўғирликка қўл урса, унинг фарзандидан нимани кутиш мумкин. Оддийгина бир мисол: айрим боғча мудираларининг болалар ризқини қийиб, босар-тусарини билмай қолаётгани сир эмас. Давлат мулкига кўз олайтираётганларнинг сотганидан ортганини уйига ташмалаётганини фарзандлари кўрмайди, деб ўйлайсизми? Ҳатто онасининг "қўшимча даромад"ига ҳавас қилиб унинг касбини давом эттиришни орзу қилаётган қизларни ҳам учратганим бор. Сутчи холанинг қатиқни қаймоқ, деб сотишини фарзандларию невaралари билмайди, деб ўйлайсизми? Энг ачинарлиси, қўли эгри ана шундай ноинсоф одамлар қилган ишидан уялиш ўрнига фахрланиб, мақтаниб юришади. Халқимизда: "Ўғрининг уйи бўлмас, уйида сири бўлмас", деган мақол ҳам ўз ўрнида айтилган.

Донишмандларимиздан бири айтганидек: "Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида эса ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ". Шундай экан, ҳар биримиз фарзандларимиз тарбиясида, аввало, ўзимиз энг гўзал хислатларимиз билан ўрнак бўлайлик.

**Барно СУЛТОНОВА**

Ибодат РАЖАБОВА

# РЎМОЛЛАРИНГ ГУЛИН ҲИДЛАДИМ



1956 йили туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида таҳсил олган. “Қуш киприги”, “Бухорода гужум гуллади”, “Чорбакр” сингари шеърий ва публицистик китоблари нашр этилган.

## БУХОРОГА ТАШРИФ

Белбоғингнинг гулларин суғор,
Ёқанг гардин кумушга арттин.
Йўллар учун мушк йиғмасанг,
Кўприклардан ўтмоғинг қийин.

Йўлфайз тилла қуш инларидан,
Оқар сувдан сўраб ол суръат.
Жомадонинг бандлари уч кун
Қилиб олсин юз бор ибодат.

Тандирни ўп, мойжувозни ўп,
Майхумларга пичирла: “Ку-ку...”.
Аравага ўрнашиб олиб,
Сендан олдин йўлга тушар у...

Шабадалар атрини шимгин,
Чирмовиқлар бағрига ёт, шом.
Ширин-ширин туршакларини
Оқ қопчада солиб берар том.

Гузарларга ёғсовға олгин.
Пул ошиғи бўлсин хабардор.
Дарвозалар занжирин очар,
Дуо билан ўттизта минор.

Мағоқларнинг адоғин сийла,
Шаҳристонни кезиб чиқ яёв,
(Эсингда тут) ҳаммадан олдин —
Ҳовузларга улаш туттарнов.

## ОНА

Юзларингда тақдир гул экди,
Борлиғингда мушк сепди, анбар.
Тандир томон борар изларинг,
Бирам қутлуғ, ноёб, нурхабар.

Тарозилар қуёш ўлчади,
Қумсоатлар ўлчаб берди зар.
Қушларга дон сепган қўлингта,
Ҳеч қайсиси келмас баробар.

Говмиш, тойчоқ, она мушук ҳам
Омборингдан ризқ ейди саҳар.
Ўймоқ кийган бармоқларингни,
Кўрмоқ учун туғилди ахтар.

Рўмолларинг гулин ҳидладим,
Адоғингта тиз чўкдим ҳар кун.
Оппоқ сочинг жилосин кўриб,
Ғарқ гуллади Чорбоғи берун.

Кипригингда уммон уруғи,
Дуоларинг Тангрига дилхат.
Игналаринг тикган чопонлар,
Даҳо билан қилади суҳбат.

## МАНЗАРА

Дала-боғни супурар шамол,
Теракларга чирмашар ажриқ.
Қопқоғи йўқ шийпонтандирлар
Оғзи очиқ, оғзи об-очиқ.

Ғўза гулин косаси пушти,
Жўякларни тортади уфқ.
Жуда намчил шолизорларда
Қумурсқабазм қуради чумчуқ.

Гужумларнинг новдаси аҳил,
Қуш томига тўкилар япроқ...
Қора анжир ғўраларининг
Кўнгли тугул борлиғи ҳам оқ.

Гул мойидан шўрва пиширдим,
Асал бўлди нокзор гулчанги.
Мўйқаламни ҳаммом жўнатдим,
Ўзгарарми хатларинг ранги...

## ҚИШЛОҚДА

Қишлоқ борсам, шўх ҳалинчаклар,
Шамолидан айланар бошим.
Полизларни соғиниб кетган
Аравалар қараб турар жим.

Қишлоқ борсам, жуфт мусичалар
Ин қуришда қилмайди парво.
Эрка мушук панжасин ҳўллаб,
Юзларига беради оро.

Қишлоқ борсам, кузда, албатта,
Томдан тушиб келади туршак.
Тегирмоннинг ишин текширар,
“Суткулча” деб уринган элак.

Қишлоқ борсам, сув ўти — парқу
Гулқоқилар сариқ жойнамоз,
“Мен ҳам Сиз-ла шаҳар кетай”, деб
Отқулоғи бўлади қоғоз.

Қишлоқ борсам, синглим — сунбула
Ва отамнинг ковуши — қайиқ,
Шолизорлар тунда шивирлар:
“Сенсиз гуллаб чарчади тариқ!”

Қишлоқ борсам, ҳамма нарса шеър,
Куз ёмғири “ундов”га номзод.
Кўп ўйлайман: “Қишлоқ бўлмаса,
Қушлар қандай чиқарар қанот...”.

## ТОНГ

Отам боғи сокин туш кўрар,
Олма ҳидлаб ёшарар қишлоқ,
Дорга ёйган гўштқоқиларни
Кўзи билан тешади бароқ.

Пишлоқларга айланар хом сут,
Тарс ёрилар сув ичган қовун.
Лойтўғонлар бўшашиб кетиб,
Сувгирдобга айланар қуюн.

Юлдуз учар, олча тўкилар.
Уруғларин аллалар янтоқ.
Соддаликда мендан ҳам ўтган,
Парвонани ўйнатар чироқ.

Йўлда сарсон кирпи излари,
Полиз ҳидин чиқарар шабнам.
Тонг чўнтагин чўқилар хўроз,
У қуш ёстиқ санаб юрган дам.

Чўбқошиқлар йиғади қаймоқ,
Гўштқоқидан тўлади халта.
Эҳ, бир қанот сотиб олмаган
Мушукларнинг қўллари калта...

---

Жамила ЭРГАШЕВА

1956 йили туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Изҳор”, “Интиқом”, “Таназзул”, “Аёл жодуси”, “Зулфизар” сингари китоблари чоп этилган.



### Қатралар

## ИҚРОР

Эр-хотин жанжаллашиб қолди. Аёл тугунини тугиб, боласини етаклади-да ота уйига жўнади. Эр бир оғиз “қол” демади. Маҳалласига кираверишда аёл қадрдон дугонасини учратиб қолди. “Сени кўриб қолганим яхши бўлди, болангни онангга ташлаб, тезроқ чиқ. Фотиҳали жой бор, бирга бориб келамиз”, деб шоширди дугона унинг ранг-рўйига унча эътибор бермай. У йўқ деёлмади, бирга йўлга тушишди.

Юзлари нурли аёлнинг дунёни бузиб, “Вой, азизим!” деб кўксига муштлаб йиғлаши унга бироз эриш туюлди. “Невара-чевараларнинг олдида...”

Эр-хотин қаттиқ аразлашган эди. Эри ҳам йўқлаб келмади. Ўзи ҳам қайтиб боришни ор деб билди. Ота уйида анча қолиб кетди. Сездирмайгина орадан йил ўтди. Тасодифми ёки тақдир сабабли, дугонаси билан яна ўша хонадонга йил ошига боришди. Кўзлари билан ўша ёруғ чеҳрали аёлни излади. Негадир, “Азизим!” деб кўксига уриб йиғлаган аёл кўринмасди. Секин дугонасидан сўради. У эса давра тўрида бир парчагина бўлиб ўтирган муштипарни кўрсатди. У бир зум лол қолди, юрагидан нимадир “чирт” узилгандек бўлди: “Ёлғизликнинг юки қанчалар оғир”.

Уйга келиб, тугунини тугди, боласини олиб, уйига йўл олди: “Айиқ эди, маймоқ эди, эрим эди. Ёриқ эди, юриқ эди, уйим эди...”.

## ҚЎЛТИҚТАЁҚ

Қўлтиқтаёқлар... Унутилган, чанг инган ҳолда каравот тагида ётиб, эгасининг ҳаракатларини жимгина кузатади. Кечагидек ёдида, унинг қўлтиғига кириб, титроқ вужудини елкаларига олиб, хона узра авайлабгина одимлашганлари. Аввалига эгаси ўзини эплай олмасди. Уни силтаб ташлар, ёки хонанинг дуч келган ерига ғазаб ва алам билан улоқтирарди. Иложсиз ҳолда бош эгиб яна уни қўлига олганида эса қўлтиқтаёқ бажонидил оғирликни ўзига оларди.

Эгаси секин-аста қўлтиқтаёқда юришни ўрганди. Бир куни ҳовлига чиқди, айни баҳор эди, чарақлаб нур сочаётган қуёшни, қаршисида товланиб турган яшил дунёни кўриб кўзлари қамашди. Яқинлари уни машинага ўтқазиб, шаҳар айлантиришди. Чиройли бинолар, дов-дарахтлар, машиналар, одамлар... Лекин эгаси оқимнинг орасида ўзини ноқулай ҳис қилди, худди телевизор томоша қилаётгандек эди... Кейин кўчаларга қўлтиқтаёқда чиқишни ўрганди. Бироз толиққан бўлса ҳам, хушнуд ҳолда қайтди.

Кейин... Ўзи мустақил юришни машқ қила бошлади. Энди қўлтиқтаёқ қоронғу бурчакда ётиб, елкаларида опичлаб, юришни ўргатган эгасининг дадил юришларини мамнун кузатади, ўзича ғурурланади...

Биз-чи? Оғир кунларида қўлтиғимиз остига кириб бизни суяган дўстимиз бахтиёр кунларида ногоҳ бизни унутиб юборса, шу қўлтиқтаёқлардек ундан ўпкаланмай, мамнун ҳолда яшашда давом эта оламизми?..

## ҚАРЗ

Кейинги пайтларда у тез-тез ётиб қоладиган бўлди. Тўшакка михланган одамнинг кунлари тунларидан-да узун бўлар экан. “Тиқ” этса, ким келди экан, деб эшикка қарайди. Энди хасталанган пайтлари йўқламаган одам қолмади ҳисоб. Юраги хаста эди. Кетма-кет ҳол сўраб келувчилардан толиққан кунлари кўп бўлди. Баъзилар бирпас ўтирмай кетиш тадоригига тушса, баъзилар гап бериб ёнида узоқроқ қолиб кетишарди. Шундай пайтларда улардан гиналаб қўярди.

Орадан анча вақт ўтди. Бироқ ҳануз соғлиғида ўзгариш сезилмади. Йўқловчилар ҳам сийраклашиб қолди. Энг яқин одамлари, жигарлари иш орасида бир-бир йўқлаб кетишадиган бўлди. Энди у эшикка термулганча бармоқ букиб санайди: “У келди, бу келди. Ўзи ким қолди, келмаган? Эҳ-ҳе, ҳамма келиб бўлибди-ку...”. Шу ҳисоб-китоб асносида ҳаётнинг кичик бир ҳақиқатини англади: “Одамлар бемордан аҳвол сўраш учун эмас, қарзини узиш учун йўқлар экан. Эсиз, соғ-саломат пайтларимда одамларни кўпроқ йўқлаб, “қарз” қилиб қўймаган эканман”.

---

Жумагул СУВОНОВА



1961 йили туғилган. Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультетини тугатган. Шоиранинг “Тиллақош”, “Йиғлаётган оҳу”, “Мен сиғмаган дунё”, “Оловли фасл” сингари шеърий ҳамда “Умр карвони”, “Қирмиз қизнинг қиссаси” номли ҳикоялар тўпламлари чоп этилган.

# ЧАҚМОҚ НУРДАН БЕРАДИ ДАРАК

## ЧОРЛОВ

Ишонаман энди ёришган
Осмонларим боқар жилмайиб.
Йўлим равон бўлиши аниқ,
Нигоҳларим яшнайди майин.
Юзим ювган шўх ирмоқчалар,
Денгизларга етар шубҳасиз.
Йўлларимни чақир тошлармас,
Бинафшалар қучади шаксиз.
Новдаларнинг сочини силаб,
Сўнг изларим ўпар ҳаволар.
Менинг билан ёқалашишмас,
Дўстлашишга шошар дунёлар.
Бир қўлимдан қуёш тутару
Бир ёнимда бахт турар менинг.
Жаранглайди ўтли сўзларим,
Юрагини ёритиб элнинг.
Бугун!.. —дейман. Яна бир бора
Бугунимдан айрилиб, чўкиб.
Етаклайди мени келажак,
Эртанги кун қўшиғин тўқиб.

Фақат олмос каби ялтираб,
Чақмоқ нурдан беради дарак.
Фақат икки бўлиниб кетар
Ишққа мезбон бўлмаган юрак.
Чорлайверар бағрига оппоқ,
Пушти гулга кирган дарахтлар.
Мен инсоннинг юрагидаги
Сўзга ташна, очаман дафтар!..

## МУЗАФФАР ЁҒДУЛАР

Музаффар ёғдулар,
Анбар ёғдулар,
Рангин камалакдек,
Бўйлайсиз ер-кўк.
Менинг бисотимда
Сиздан сеҳрли,
Сиздан анвойироқ
Бирорта сўз йўқ.
Сиз ишқнинг ёғдуси,
Ҳам — бахт, ҳам — азоб,
Менинг зар толамга
Туташма, дерсиз.
Сиз мен севган Ватан
Ва азиз тупроқ,
Мен ҳали ёзмаган
Ҳақиқий шеърсиз.
Муаттар ёғдулар
Сўздек, ҳаётдек,
Менинг нигоҳимга
Жойлашган жонсиз.
Юрагимни олтин
Қафасга солиб,
Тўрт томонга отган
Банди, тўфонсиз!
Мунаввар ёғдулар,
Дилбар ёғдулар,
Нур бўлиб, жисмимга
Қуйилдингизми?
Борлиғимни чулғаб,
Муҳаббат қадар,
Мунаввар сўз бўлиб
Туғилдингизми?
Ҳамма замонларда
Сиздан баҳраманд,
Сизни севиб, мамнун
Яшаган инсон.
Кучиб бораяпсиз
Еру самони,
Юрагимдан чиқиб
Юракка қадар.
Мангу яшанг энди,
Ҳаётим шарҳи,
Мунаввар сўз бўлиб,
Ғолиб, музаффар!..
Муаттар ёғдулар,
Анбар ёғдулар...

## АТИРГУЛ

Юрагимнинг қоқ ўртасидан
Униб чиқди оппоқ атиргул.
Унинг ранги билан дунёни,
Оппоқ рангга бўяйман нуқул.
Эзгуликлар улашмоқ бўлиб,
Еру кўкнинг ғамини еяман.
Ҳамма дўсту душманларга ҳам
Ҳаёт — оппоқ атиргул, дейман!..

---

### Сўзлар билан сўзлашув

## СУТХОТИН ВА СУЗХОТИН

Сусхотин, сузмахотин,
Кўланкаси майдон хотин,
Ёмғир ёғдир кўл бўлсин,
Ризқ-рўзимиз мўл бўлсин!

*Халқ қўшиғидан*

Қадимда ёғин ёғмай, баҳор қуруқ келиб, узоқ вақт қурғоқчилик бўлган пайтлари қабиладагилар кампир тулумини ясашиб, устига жанда кийдириб, бошидан сув қуйиб кўчаларда кўтариб юришиб, ёмғир сўраш одати бўлган. Юқоридаги қўшиқ ўша маросимда айтилган. Бу одат сутхотин, айрим жойларда эса сузхотин ёки сустхотин деб аталган. Хўш, сутхотинми, сузхотин ёки сустхотинми?

Сутхотин деганда ёмғирни сутга ўхшатиб, сут берувчи хотин тимсолида тушунган бўлишлари мумкин. Ёки ёмғирни сузмада сузиб берувчи хотин маъносида тушунган бўлишлари ҳам мумкин.

Демак, қадимда ёмғир илоҳига топинганлар. Бу илоҳни сутхотин ёки сусхотин деб атганлар.

“Сутхотин” сўзи ҳақида ўйлаб юрган кунларимда фолклоршунос олим Шомирза Турдимов билан телефонлашиб қолдим. Ундан шу сўз ҳақида сўрадим. У бу сўз хусусида олимлар турли фикрларни билдиришларини айтди. “Лекин, менинг фикримча, — деди у, — “Сусхотин, сузма хотин, Кўланкаси майдон хотин” дейилганда, гап булут ҳақида бораяпти. Чунки булутнинг кўланкаси(сояси) майдон бўлади”. Шомирза аканинг бу фикри менга жуда мантиқли туюлди.

## СУРУВ ВА УЮР

Баъзан ёзувларда “қўй подаси” деган гапга дуч келаман. Бу — нотўғри. Бизда “қўй подаси” дейилмайди. Тилимизда фақат қорамол подаси “пода” сўзи билан ифодаланади. Қўй-эчки тўдаси “сурув”, отлар галаси эса “уюр” сўзи билан ифодаланади. “Сурув” сўзининг туб илдизи “тўдала” деган маънони англатган. “Уюр” сўзининг илдизи “уймоқ” маъносидаги “уй” ҳам “тўдала”, “тўпла” деган маънони англатган. Отлар сони ўнтадан ошган гуруҳи *уюр* дейилган.

## БУ ОТЛАРНИНГ ЁШИ НЕЧАДА?

Азалдан бизда одам умри мавсумларга бўлинган ва уларнинг ўз номлари бўлган, бу мавсумлар одамнинг ёшига қараб белгиланган. Энди туғилган гўдакни чақалоқ деймиз, сўнг полапонни бола, бўзболани ўспирин ва ўсмир, ўғлонни йигит, бола-чақали одамни ўртаёш, оқсоқолни кекса ёш ва, ниҳоят, нуронийни қари деймиз. Худди шундай отлар ҳам ёшига қараб турли номлар билан аталади.

Отнинг янги туғилган боласи бир ёшгача “қулун” дейилган, бир яшар бўлгани “тойчоқ” ёки “тойлоқ”, икки яшари — “той”, уч яшари — “ғўнон”(ёки қунон), тўрт яшари — “дўнон”, беш яшари — “тўлон” дейилади. Лекин кейинги пайтлари гапимиз ифодасида шунчалар эринчоқ ва эътиборсиз бўлиб бораяпмизки, қулунни ҳам, дўнонни ҳам бирваркайига от деб қўя қоламиз. “Э, барака топгур, чақалоқ билан қариянинг фарқи бўлганидек, қулун билан дўноннинг ҳам фарқи бор” дейдиган одамнинг ўзи йўқ. Ахир, “Дўноннинг тойлиги бўлмас” деган мақол бекорга айтилмаган.

**Йўл-йўлакай бепоён анғиз,**
**Гала-гала кезар тувалоқ,**
**Салт ғўнонда бораман ёлғиз.**

Бу ғаройиб сатрлар Миртемирнинг шеъридан. Миртемир ҳар бир сўзини моҳир заргардек ишлатган. Устознинг шеърларида ўзбек тилининг тирик луғати яшириниб ётибди. Бу алоҳида мавзу.



Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида отларнинг ёши ҳақида алоҳида тўхталган: “Яна от анвоидаки, *тубучоқ* ва *арғумоқ* ва *яка* ва *ёбу* ва *тоту* йўсунлиқ — борини туркчаўқ айтурлар. Ва отнинг ёшин дағи кўпракин туркча айтурлар. Бир *қулун*ни «курра» дерлар. Ўзга: *той* ва *ғўнан* ва *дўнан* ва *тулан* ва *чирға* ва *ланға* дегунча фасиҳроқлари туркча дерлар ва кўпраги муни ҳам билмаслар”.

Отлар ранг-тусига қараб ҳам номланади. Масалан, “Алпомиш” достонида шундай қаторлар бор:

**Тарлон бия Бойчиборнинг энаси**
**Чибарнинг товушин тўқайда билди.**

Тарлон деб ола-тарғил, хол-хол, чавкар тусдаги отга айтилган.

Яқинда О.Бўриев ва Р.Холовнинг “Ўзбекларнинг от билан боғлиқ эътиқодлари” мақоласини ўқиб қолдим. Унда отларнинг туркум номланиши ҳақида яхши маълумотлар берилган экан. Масалан: “арғумоқ деб учқур, чопқир отга айтилган; асби този — чопқир от; бедов — тезюрар от; бия — урғочи от; жийрон — қизғиш, маллатоп от; йўрға — тез ва равон юрадиган от; тўриқ — қорамтир, қизғиш тусли от; уғор — йилқи тўдаси; човкар — ола-була, қора холли от.

Қўшимча қилиб, яна қуйидаги маълумотни айтиб ўтиш мумкин.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги изоҳга кўра, уч ёшни тўлдирган туянинг ҳам “дўнон” деб аталиши бор.

“Дўнон” сўзи уч ёшга қадам қўйган қўй ёки эчки маъносини ҳам ифодалайди.

Бу сўз одамга нисбатан ҳам кўчирилган. Бунга сабаб от ёки туя айни шу ёшда кучга тўлади. Шунинг учун “дўнон” сўзи “вояга етган”, “бўйига етган”, деган маънода одамга кўчирилган.

**Қиқирлашиб кулишади**
**Сатта бирдай дўнон қизлар.**

*“Гулнорпари” достонидан*

Эшқобил ШУКУР

**Бошланиши биринчи саҳифада.**

Майн Риднинг буюклигини кўринг, замонавийлигини туйинг. Ҳамма саргузашт адабиётининг зўр намунаси деб билгувчи умрбоқий роман макону замонлар оша инсониятга чақириқ экан. Буни-да бизга англатиб, эслатиб турган қаҳрамонимиз.

Ҳамма қатори туғилмай, йўргакка олинмай, боши қолиб, оёғи билан ёруғ дунёга чиққан ва ўлик дея эски-тускига чирмаб, совуқ уйнинг бир чеккасига элтиб қўйилган ва иттифоқо онанинг сезими — савқи табиийси билан тириклиги аёнлашиб, бағирга олинган мурғак, аввало, қалб кўзлари туфайли омону эсон қолиб, камол топди. Ўзи айтмоқчи, ўттиз еттинчи йилнинг қаҳратонида Қодирий, Чўлпон, Фитратлар... қатағон-қирғин этилган кунлари таваллуд топди. Бамисли уларнинг жисми йўқликка инган паллада миллатнинг қуриб битмас чашмаларидан янги чашма кўз очгандек бўлган эса не ажаб?! Шудир балки табиатдаги темир қонун, тартиб-интизом. Катта

# ҲАССОС КЎНГИЛ ҚЎШИҚЛАРИ

## Мансурага татаббуъ

миллатларнинг юзи бўлгучи фарзандлари туғилишу ўлишида, наслларнинг ворислигу бардавомлигида, албатта, бир илоҳий низом — мунтазамлик бўлмоғи азалдан бор гап. Ўтлиғ шоиримиз Фурқат айтмоқчи: жаҳон холи қолурму ҳеч ақли расолардин.

Ёруғ кайфият ва ажиб таъмнинг муждаси бўлиб, хоҳишларини қитиқлаган зарғалдоқ шафтолиларга қўйни-қўнжини тўлдириб чиққан масъум болакайнинг жазоланиб, олма шохига осиб қўйилгани азобини бир эслангa... мансура-ҳикоядан. Ўғриликнинг, бесўров хоҳишнинг жазосини онгу вужудига умрбод муҳрлаган бола тасаввурнинг даҳшатидирки, кейинги етмиш йиллик умр ҳаромдан — ҳазар шиори билан ўтди. У ютаётган луқмасинигина эмас, ўқиган китобию ёзган битиклари, ўзбекчага ўгирган бадиий дурдоналар, ирод этган нутқу маърузалари билан, қўйинг-чи, давралардаги иштироки билан-да виждонларни уйғотиб, ҳалолликнинг унутилаёзган қўшиқларини куйлашдан тинмади, тонмади. Бу қанчалар қийин, азобли машғулот бўлмасин, шу маёққа интилаверди. Солланиб, салмоқланиб ўша бисот билан шу кунларга етди. Бу бисотга жамиятда эҳтиёж йўқолмаган эканки, уни алқаб, улуғлаб ўтирибмиз биз...

Мансураларни "Менинг романларим" деган Иброҳим ака "Ҳаё — халоскор"ида: "Кучли нутқ оқимига асосланган "Мансуралар" деган жанр яратдим. Мансуралар эркин шеър жанрига жуда яқин, лекин эркин шеър эмас. У мени ўртаган ўй, хаёл, орзу ва эришилмаган, йўқотилган нарсалар тўғрисида фикр оқимлари".

У Толстойдан уялади. Достоевскийдан, Жойсдан, Хемэнгуэй, Айтматов, Маркес....дан уялади, истиҳола қилади, жўн ёзишдан, жўн фикрлашдан. Ва, албатта, андиша қилади ҳазрат Навоийдан. Шу андишасики уни Навоийга унсияти – яқинлашмоғи учун, "Фалакий қўламлар"га интилмоғи учун қалбига қўр, танига қувват, фикратига қудрат бағишлайди. У шу андишаси билан бирор кун Толстой бобо унга жўнлиги учун қилиб қолиши мумкин бўлган таъналардан асранади. Асраниб, муҳофазаси улғайиб, кўнглини мансура куйлашга сомеъ этади.

Мен дастлаб Тургеневнинг насрдаги шеърларини ўқиган эдим, кейин Миртемир, сўнг Ойбек, яна кейинроқ бир-икки Чўлпонда. Булар бари ҳиссий эпкинлар самараси, шеърга, ўлчам ва қатъий мезонларга сиғмаган, сиғишни истамаган саркаш туйғуларнинг юзага чиқиш усули эди. Назаримда, бу ҳол туйғулари чандон чаппар уриб турганда шоду хандон ва ёки тамоми шикаста кўнгилли ижод аҳлининг барчаси вақти-вақти билан мурожаат қилиб, гоҳ пинҳон тутадиган, гоҳ ошкор этадиган муваққат чизгиларига ўхшайди. Ўзим ҳам ёзганман, ёзаман шундай насрдаги шеърларни. Улар кўпинча ён дафтарларда, жавонларда, архивларда қолиб кетадиган ўта интим, тийиқсиз ҳиссий эҳтиёж натижалари. Шунинг учун ҳам фикрловчи ошуфта аҳли қалам бари мансура ёзадигандек туюлади. Модомики мансура фикр алангаси ёлқинлантирган ҳиссиётлар эпкинида туғилар экан, у ҳам тафаккур, ҳам ҳиссиётлар зурриёди, фарзанд эса ўсувчандир. У нимага мойил бўлса, шу томонга қараб бўй чўзади, шаклу шамойил касб этади. Фикрга бўлса "...шунослик" (адабиётшунослик, санъатшунослик, адабиий-бадиий танқид) йўлини тутади, ортиқ даража туйғуларда турғун туриб, шунга нойил эса бадиий ижод(шеър, наср, драма ва ҳоказо)га жўяк солади. Ҳа, назаран, мансура шу икки илмий ва ижодий жараённинг ибтидоси, асоси, пойдевори. Кимлардир қай бир йўналишга тортиб кетади, кимлардир ҳар иккисинида бўлак-бўлак, мустақил юргизади. Кимлардир (булар жуда камчилик) ўша ибтидода мустаҳкам туриб қолади – худди Иброҳим Ғафуровдек.

Асли-ку у ҳам "...шунослик" дарёларида сузиб, адабий танқид, адабиётшунослик, таржимашунослик оролларини кезинди, гоҳ-гоҳ яна сафарлар қилиб туради бу оролларга. Аммо бу ороллардаги муҳит, маром зерикарлироқ туюлади шекилли, улар оромидан ором топмай, яна фикр, мушоҳада билан ҳиссиёт уйғунлигидаги эссеистикани кўнгил хоҳиши, ифода воситаси деб белгилайди. Энди унинг "Мангу латофат"(айниқса), "Паривашлар мажлиси"даги рисолалари ҳам бари бирликда эссеистика – бадиалар бўлиб жамланади. Қаранг, ўша китоблар тартибида жадид боболар адабиёти, матбуоти Беҳбудий, Фитрат, Эркин Воҳидов, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Озод Шарафиддинов, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Шайхзода, Зулфия, Усмон Носир, Одил Ёқубов, Асқад Муҳтор, Мақсуд Қориев, Сайёр, Тоғай Мурод, Лазиз Қаюмов, Нуриддин Шукуров, Азим Суюн, Саъдулла Ҳаким ва бугуннинг ёш шоирларигача таҳлилга тортилган турли авлод қалам аҳли ҳақидаги рисола, мақола, тақриз, сўз, кириш сўз, сўнгсўз ва ҳоказо турли илмий-танқидий жанрдаги барча битиклар, ҳеч муболағасиз, бари эссеистика намуналари. Уларнинг қаеридадир таҳлил, илмий мушоҳада, баҳс-мунозара каби "...шунослик" методлари кўриниб ё кучайиб кетса-да, барчаси бора-бора ҳиссиётлар зилолига қўшилиб, бадиа дарёсига сингиб кетади. Булар қатори руҳ, ҳаёт, ўлим, имон, эътиқод, тил, ирода, ахлоқ, ҳаё, матонат, жасорат, миллат, ватанпарварлик... каби алоҳида мақола, чиқишларга мавзу бўлган маънавий категориялар ҳақидаги фалсафий ўйлар, тезислар, фикралар, муносабатлар... ҳам ўша дарёнинг балиқлари.

Шу ўринда фикр нишаби яна сарлавҳага тортиб, "Ҳаё — халоскор" деган маънавий оламимизга Иброҳим Ғафуров ибораси ўлароқ дарж этилган сўзлар қояланади.

Турли давра, учрашувларда иқтибос келтириб айтиб юраман – "Аргументы и факты" газетасининг 2016 йилги сонларидан бирида машҳур кинорежиссёр Павел Лунгин "Стыда больше нет" дея афсус-надомад билан интервю берибди. Ҳа, у энди ҳаётда, дунёда уят қолмади, шарму ҳаё туйғуси йитиб кетди, энди буларнинг бари пулга сотиладиган товарга айланди, энди шарму ҳаё бу шоу-бизнес деганидир дейди.

Иброҳим ака буни роппа-роса 10 йил олдин кўра-билиб, бутун бир китобининг сарлавҳасига чиқарган эди – "Ҳаё — халоскор" (2006).

Бу билан қаноатланмай, икки йилдан сўнг "Мангу латофат"да яна бонг уриб "Ахлоқни соғиниш. Ҳаё — халоскор" деб чиқди. "Адаб — одамийликнинг ўзаги. Балки одамийликнинг бари бошдан-охир адабдан иборат. Адабнинг илиги эса – ҳаё. Илик қуриган ерда ҳаё бўлмайди. Ҳаёни ор-номус, ҳамият, орият, шаън, уят сингари тушунчалар қаторига қўямиз... Уят жуда қадимдан келаётган туркий ўзбакий сўз ва тушунча. У ёпиш, паналаш маъноларини англатади... уят — туркийча, ҳаё — арабийча, шарм — форсийча келиб чиқишга эга. Руслар бу тушунчаларни "стыд", "срам" сўзлари билан ифодалашади".

Ҳа, ана — рус кинорежиссёри айтган "стыд" — ҳаё жамиятда, одамларда йўқола бориб, товарга айрибошланган экан, демак, уни асраш чоралари кўрилмоғи зарур. Дарахтки танасида кесилган ва очилиб қолган жойини ёпиб қобиқ қопларкан, нега одамзод яланғочликдан асраниш эвини қилмайди?! Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган энг оддий, ҳамиша кўз олдимиздаги ҳақиқатни эслатади Иброҳим Ғафуров: "Яланғочни ер ҳам қабул қилмайди". Дарҳақиқат, на насроний, на буддавий, на исломий эътиқодларда майитни яланғоч қилиб кўмиш йўқ.

Бола эканмиз, раҳматли бувимнинг бўйинларида пайдо бўлган нуқтадек қизил сўгални кўрсатиб – нима деб сўрабман. "Ўғил бола бунақа нарсаларни сўрамайди" дея танбеҳ эшитдим. Шу-шу, ёшинг ўта бошлаб, қўлу томоқ, бўйинларингда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қоладиган холу сўгалларни энди ўзимизда кўриб, булар ҳар қандай тананинг ўз таманнолари, вужуд-тери кимёларининг не бир зуҳури эканини англаб, шугинага ҳам дакки олганимиз учун ҳаё пардаси оналаримиз, момоларимизда шунчалар бўлган экан-да, деб қўямиз. Иброҳим ака мавзу очаётган ҳаё-ку глобал дунёнинг хавотир-ташвишлари. Бора-бора Лут қавми ё Содом, Гоморра шаҳарларини кўпган қиёматлардан огоҳлантириш ҳушёрлиги.

Ўзи-ку аканинг мансура, эсселари бу унинг ҳайратлари ичра оҳлари, андуҳлари, армонлари, ошкор айтилмаган аламлари, дардлари ҳам. Озод домла ҳақидаги "Эътиқод ҳосиласи"да ёзади: "Таржима мақолаларни Озод Шарафиддинов адабий-танқидий, ижтимоий, инсоний эътиқодининг сар-мевалари, деб қарамоқ керак. Ўзи шундай ҳам. Озод ака ўзи ёзолмаган, айтолмаган(турли сабабларга кўра) фикрларини шу таржималар орқали ўқувчисига етказади. Зеро, биз учун озодлик ва маънавиятга ҳизмат қиладиган ҳар бир нарса қадрлидир".

Асли Иброҳим Ғафуров ҳам закий мутафаккир, ҳушёр нигоҳ ва сира бефарқ бўлмайдиган инсон ўлароқ кўнгил розларию норозиликларини, ёқмаган, ёқтирмагани номарғуб сўз, китоб, одам, авом, қилиқ, қийтиқларини яланғоч танқид қатларига қайд этмай, мансуралар, эсселарнинг не бир оҳанг мисраларига жо этади. Фаҳму фаросати бор одам бу ишора, истеҳзо, эссеистик киноя ва фасиҳ кесатиқларда нақадар заҳар, ништар пардаланганини аниқ сезиб билади ва, албатта, Иброҳим аканинг хунукни чиройли қилиб, бадномга мажоз топиб, бадбинга оройиш кўзгу тутиб, билиб-билиб, архаик аталувчи сўз бисотидан аниқ ифодалар танлаб муносабат билдиришига тан берасиз.

Мансураларни Иброҳим ака менинг романларим деганини эслатиб эдик. Юқорироқда фикр билан туйғуларнинг турфа ва ажиб муштараклигида туғилиб, сўнг шохлаб кетадиган илмий ва ижодий жараённинг ибтидоси дедик. Агар адабиёт ва замон нисбатида бугунги шитобдаги глобал жараёнларни бор шошқину тошқини билан кўрадиган бўлсак, мансуралар айнан роман ва айни чоғда ибтидо ҳам, интиҳо ҳам бўлиб қолади. Шу билан бирга, улар Иброҳим Ғафуров зако ва фасоҳат сайёрасининг ноёб ятратиқлари ва муҳташам обидалари бўлиб ҳам кўп ҳассос кўнгилларда машъалалар ёқади. Бадиий сўзнинг тилсим дунёсига не-не авлодларни чорлайверади.

Устоз ўзбекчага ошуфталик билан ўгиргани "Зардўшт таваллоси"нинг ижодкори Нитшени ниҳоятда суяди. Унга турли муносабат билан бот-бот мурожаат этади. Модомики, Нитше "образ яратиш санъатини рақс" деб билган экан, Иброҳим Ғафуров мансуралар, эсселар, таржималар, ёниқ сўзлар воситасида образ яратишнинг ҳаддини эгаллаб, тимсол уммонининг ғаввоси ўлароқ шаън ва шуҳрат топди, табаррук ёш ва одамийликнинг қутлуғ мартабаларига етишди. Яна устознинг ўзи "Инсонийлик рисоласи"да, "Яшаш, бу — санъат" деб ёзган эди. Демак, у образ яратиш санъатини яшаш санъатининг меҳварига айлантириб, ажиб самовий кенгликлар ичра рақс этишда бардавомдир.

Фақат ҳавасланиш мумкин бундай умргузаронликка.

**Шухрат РИЗАЕВ**



Абдуғани ЖУМА олган сурат.

# КОМИЛЛИК

***Мен Иброҳим Ғафуров деган ном ёнида ҳамиша МАЪРИФАТ, АДАБИЁТ деган сўз туриши керак деб ўйлайман. Эҳтимолки, МИЛЛАТ, КОМИЛЛИК деган сўзлар ҳам. Иброҳим ака бир мансурасида: "Мен кўнглимни тушунаман, ахир у баландликларга чиқишни истайди", дейди. Менга унинг кўнгли ва руҳияти ҳечам пастликни танимайдигандек, мудом ва мунтазам кўк билан мулоқотда яшаётгандек туюлади.***

Устоз ижодкор асарлари ва шахсиятидаги улуғворлик ҳаммамизни мафтун этиб келаётгани аён. Иброҳим аканинг "Қатлгоҳда ўйнаган бола", "Амир Алишернинг тавбаси", "Навоийга унсият" каби асарларини, буюқ даҳо ижодкорлардан таржималарини аллақачон мухлислару халқимиз ўз муҳаббати билан баҳолаб бўлган. Тафаккур тарзи ва қувваи ҳофизасининг, юксак интеллект ва академик билимларга чўлғаниб ётган онгу шуурининг ёруғларидан ёруғланиб, тафаккур ва кўнгил булоқларидан қониб ичиш бахти биз каби замондошларига ҳам насиб этгани учун мен доим шукрона айтганман ва Иброҳим Ғафуров билан замондош эканимдан кўнглимда бир дунё фахр туйиб яшаб келаяпман.

Бир ижодкор ҳаётида кўриши мумкин бўлган кечимишлар Иброҳим аканинг ҳам тақдирида яшаб келаётганини асарларидан яхши биламиз. Оғир ҳислар ва маъюслик ичра кечган болалик, илм заҳмати ва муҳаббат билан ўтган ёшлик, устозлар ва улуғ пирларга муносиб пайравлик, сўзга мафтунлик билан китобдан бош кўтармай кечаётган умр... Мана шу каби зиддиятлар ва талотўп туйғулар, ҳаётнинг қувончларию тириклик ғамлари ичра энг устувор ва муҳим мақсадга эришиш, яъни ТЕРАН АСАРЛАР ЯРАТИШ Иброҳим Ғафуровга насиб этди ва этмоқда. Биз бу инсонни шу буюк бахти билан ҳар куни қутлашимиз, табриклашимиз керак деб ўйлайман.

Бугун Иброҳим Ғафуровнинг 80 ёшини байрам қилаётган эканмиз, демак, руҳимиздаги гўзал фазилатлар уйғонибди, демак, биз ёнимизда яшаб турган одамнинг комиллик даражасини тўғри ўлчабмиз, демак, биз бир-биримизни қадрлашимиз кераклигини англаб етибмиз, демак, биз мансураларни, "Зардўшт таваллоси"даги азалий фарёдни ва инсоний қувончларни англабмиз, демак, биз жадид боболаримизнинг етилмаган қадрининг баҳосини тушунибмиз. Бу тушуниш ва англаш жуда улкан маънода бизга керак эди, лозим эди.

Мен Иброҳим аканинг улуғ ёшга етгани билан чин дилдан қутлов ёзар эканман, тафаккурим ва қалбимга у кишининг ушбу фикрлари югурик сувдек кела бошлади:

— Оламнинг марказида одам, Одамнинг марказида одамийлик туради.

— Муҳаббатсиз ҳаёт йўқдир, бор бўлса ҳам йўқдайдир.

— Севдим, дўстларнинг чеҳракушоларин, Сафлар сийраклашин севмадим.

Қадрли Иброҳим ака! Бир мансурангизда *"Мен ҳеч ерга байроқ тикмадим"* дейсиз. Менинг назаримда, Сиз сўз майдонига адл байроқни тикдингиз, ўзингиз ёзганингиздек, *"жўнлик устидан ғалаба"* қозондингиз, тирикчиликнинг одамни чалғитадиган ташвишларию истеъдодни ёлғонга хизмат қилдиришга уринадиган замон мезонлари устидан зафар қозона олдингиз! Ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган ғалаба бу! Мана шу ғалабалар муборак бўлсин! Тутқичида адабий ва одамий каломлар ёзилган байроғингиз Ватанимиз байроғи каби озод ҳаволарда мудом ҳилпираб тураверсин!

Азиз Иброҳим ака, шогирдларим ва дил етарларим билан кечадиган суҳбатларимизда Сизни кўп эслаймиз, Сиздан кўп иқтибослар келтирамиз. Биримиз Сизни Юсуфбек Ҳожи деб, биримиз асал ва қаймоқ боғлаган тафаккур соҳиби деб, биримиз ақлбовар қилмас етуклик даражасига етган комил инсон деб алқаймиз, суямиз, ардоқлаймиз. Илоҳим, шу ардоқларнинг адоғи бўлмасин, Сиз юз ёшлар билан юзлашганингизда ҳам сўз оламининг фасоҳатли маликаларидан бири бўлмиш умр йўлдошингиз Ойдин опамиз билан аждодларимиздан мерос маърифат чироқларини бирга ёқиб юрингизлар!

Биз Сизни яхши кўрамиз, халқимиз Сизни яхши кўради. Сўзга, тафаккурга, адабиётга, маърифат ва одамийликка яралган ва сарф этган сермаҳсул умрингизнинг саксонинчи йили муборак бўлсин!

**Ойдинхоним, бу довонга ой бўлиб келди,**
**Хирмонлари осмонўпар, бой бўлиб келди.**
**Иброҳимбек ёнларинда суянч тоғлари,**
**Икки одам икки тошқин сой бўлиб келди.**

**Бу сойлардан озуғ олдик, бизлар умрбод,**
**Кўнглимизга сир, чўғ олдик, бизлар умрбод,**
**Хира тутун юқтиргувчи одамлар ҳам бор,**
**Биз улардан ёруғ олдик, ёруғ умрбод.**

**Икки одам, чумолидай меҳнаткашларим,**
**Бир-бирини паноҳим деб бошлади қадам.**
**Икки одам. Чин, мардона қадам ташлади,**
**Бир-бирини аяб, суяб ташлади қадам.**

**Ва натижа...**
**Натижаки, ҳавасга лойиқ,**
**Арзир улар афсонадай айтиб юргали.**
**Бугун оёққа қалқамиз бу зал, халойиқ,**
**Бу тантана айбдорларин кўзга сургали!**

**Муҳими шу.**
**Муҳими шу. Бошқаси ёлғон.**
**Бугун шу икки одамга гуллар тўшангиз,**
**Дунё асли эски дўкон, ҳаммадан қолғон,**
**То бизданам қолгунича яйраб яшангиз!**

**Бир-бирини асраб, тишда тишлаганларим,**
**Умрбод иймон ҳайкалин ишлаганларим!**

**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири,**
**"Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси**

# ИНСОНИЙЛИК ГУЛИ

**Профессор Нўъмон Раҳимжоновнинг "Бадиий сўз эстетикаси" номли тадқиқотида атоқли адиб, адабиётшунос, таржимон Иброҳим Ғафуровнинг ижоди саҳифалари ёритилган. Қуйида ушбу асардан олинган кичик бир парча эътиборингизга ҳавола этилади.**

Иброҳим Ғафуровнинг эстетик ғоялари силсиласида ҳаё-андишанинг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий хусусиятлари тўғрисида фикрлашиш устувор. Буюк Ф.М.Достоевский дунёни гўзаллик қутқаради, дейди. Мутафаккир олим И.Ғафуров ушбу фикрни ривожлантириб, шарм-ҳаё дунёни тутиб турган асосий устунлардан, деган фикрни илгари суради. Ҳаё — уят, андиша одамийликнинг гули, гултожидир, деган фалсафий фикр "Ахлоқни соғиниш. Ҳаё — халоскор" туркумидаги "Одамнинг ўзаги", "Қаердан келганмиз, нима учун яшаяпмиз", "Икки дунёда азиз" сингари бадиалари мағзини ташкил қилади.

Ҳаё бошқа халқларда, уларнинг маънавий-ахлоқий мероси сифатида қандай таркиб топганини билмадиму, аммо ўзбек халқининг энг қадимий, унинг ўзига мансуб бўлган ва ўзга халқлардан фарқ қиладиган, ҳамиша эътиборга сазовор миллий ахлоқий, маънавий фазилатларининг маҳсулидир. Бу фазилат асрлар давомида авлод-аждодларимиз томонидан амал қилиниб, бойитилиб, сайқалланиб бизгача етиб келган. Халқимизнинг қон-қонига, бутун вужудига сингиб кетган ноёб ахлоқий хислатларидан бирига айланган. И. Ғафуров мутафаккир, донишманд (Аристотел, Навоий, Шекспир, Хайём, Ҳабибий) ижодкорларнинг одоб-ахлоқ ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига таянади. Абу Али ибн Синонинг таъкидлашича, қадимда улуғлардан: "Ёшларнинг қайси хислатлари қадрли, кексалардаги қайси яхшиликлар афзал", деб сўрашганда: "Ёшлардаги ҳаё — орият, андишани, кексалардаги донишмандлик, хотиржамлик", деб жавоб берган экан. Дарҳақиқат, ҳаёнинг турган-битгани яхшидир.

Инсон ҳаёти бамисоли азим дарёнинг икки соҳили. Шарм-ҳаё, андиша, орият – инсон ахлоқининг таянч соҳиллари. Улар мана шу ҳаёт дарёсидан сув ичади. Бу соҳиллар мустаҳкам бўлмаса, дарё боши оққан томонга шох ташлаши, қирғоқ нурай бошлаши мумкин. Ҳаё-андиша назокати ҳам, жувонмардлик суръати ҳам инсон маънавий дунёсининг қудратидан, инсон зоҳири билан ботини — руҳониятининг, дили билан тилининг, сўзи билан ишининг уйғунлигидан — виждонининг поклигидан далолат беради. Ҳар қандай жасоратда ҳаё-андиша иффати мавжуд бўлганидек, шарм-ҳаё, ориятда ҳам шижоат алангаси барқ уриб турмоғи муқаррар. Ҳаёли-андишали кишилар қандай бўлишлари керак? И.Ғафуров табиатдаги оқилоналик билан инсон руҳониятидаги тўкисликни ўзаро муқояса қилади: "Табиатда ҳар бир нарса ўлчоқлик! Ҳар бир нарса ҳарир пардага ўралган... Энг яланғоч бўлиб кўринган нарсаларнинг ҳам пардаси мавжуд. Ердан тортиб уруғгача пардасизми? Ер ўз ҳаёти, ҳаракати, бардавомлиги учун зарур барча катта-кичик нарсаларни мустаҳкам қобиққа ўраган. Ана шу парда, ана шу қобиқ табиатнинг, онамиз Ернинг ҳаёси! Бу ҳаё фақат ҳимоя учун, сақланиш учун яратилган. Ерни қават-қават қатламлардан, атмосферани қават-қават қатламлардан иборатлигини ҳамма билади. Аслида қатламлар – Ер ва Ҳавонинг муҳофаза пардаларидир. Улар барча тирик жонзот каби инсониятнинг яшаши, бахту саодати зарурати".

**Эрта тонг лолага шабнамки тегар,**
**Чаманда бинафша бўйнини эгар.**
**Рост айтсам, ғунчадан жуда розимен,**
**Чунки у кўтармас на этак, на бар.**

Ҳаё ҳақидаги ушбу сатрлар Умар Хайёмга тегишли. Уятчан одамларда одоб сақлаш ор-номус, шарм-ҳаё, кўнгилчанлик туйғуси кучли бўлади. "Жонингни фидо қилсанг қил, номусингни фидо қилма", "Орсизда ақл бўлмас, Ақл бўлса ҳам нақл бўлмас", "Ҳаёси йўқнинг имони йўқ" дейди халқимиз. Улар камтар, мулойим, виждонан пок, ҳалол кишилардир. Инсон шаънига доғ туширишни истамайдилар. Эл-юрт олдида уятли, шармандаю шармисор, беобрў бўлишдан ўзларини тортиб юрадилар. Кўпчилик олдида ўзларини уятдан ноқулай ҳис қиладилар. "Айтгим келади: номусни дарахтдан ўрганинг! Қаранг, у ҳаёт шарбатлари югураётган танасини қандай парда қобиқ билан ўрайди. Бир жойи кесилса, дарҳол шу кесилган ўринни қобиқ билан беркита бошлайди. Табиатда ҳаё ҳукмрон. Яшаш зарурати шуни тақозо қилади", деб ёзади И. Ғафуров.

Иброҳим Ғафуров Ғарб матбуотида ёзилаётган маънавий тозаланиш масаласига муносабат билдиради: "Лекин нечукдир ҳаё ҳақида гап бормайди. Маънавий тозаришни ҳаёдан холи тарзда кўз ўнгига келтириб бўлармикан? Айрим файласуфлар XX асрда Освенцимдан сўнг Ғарбда Худо ўлди деб ёзишади. Аслида ўлган ҳаё эди! Худо ўлмайди. ...XXI аср ҳаёга қайтиш асри бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Сиёсатда ҳаё инсониятни бундан кейин оғир талофатлардан асраши мумкин". Хўп, ҳаёли-андишали кишилар қандай бўлишлари керак?

Назаримизда, ҳаёли, ориятли, андишали кишилар, аввало, ота-оналарининг, эл-юртнинг меҳр-шафқатига сазовор бўлган садоқатли, ўз халқи, миллати, миллий маданиятининг ифтихорини, мустақиллик эркинлигини ҳимоя қиладиган маънавий баркамол, ахлоқий пок кишилардир. Ҳаёли-андишали киши одамшаванда, олийҳиммат, эзгу ниятли, ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб ўзгаларга меҳр-шафқат улашадиган фидойи, муомала-муносабатда иболи ва иффатли, сабр-қаноатли, фаҳм-фаросатли, дилкаш, ҳис-туйғулари, ҳавас ва эҳтиросларини, фикр-мулоҳазаларини, нутқини оқилона, қалб амрига кўра бошқара оладиган, ҳар қандай андишасизликка, ғайриахлоқий иллатларга қарши жасорат кўрсата оладиган кишилардир. Албатта, бундай фазилатга эришиш, ҳар бир шахсда уни мужассамлаштириш осон эмас. Ҳамма ҳам унга муносиб бўлавермайди. "Илоҳий китоб ўгит беради, — дейди И.Ғафуров, — иймонли одамлар кўзларини тийсинлар, аъзоларини сақласинлар. Кўз ҳаёси, аъзоларни пок сақламоқ ҳаёси – устун ҳаёдир. Қаҳрамонликларга ундаган ҳаёдир... Яланғочни ер ҳам қабул қилмайди. Одамийликда ҳаё халоскор. У ҳамиша разолатдан қутқаради".

**Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

# ИЗЛАНИШ ВА МАҲОРАТ МАЙДОНИ

**Бугун кино оламига катта орзу ва мақсадлар билан кириб келаётган навқирон авлод вакилларининг сафи тобора кенгайиб бораётир. Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган "PROlogue" ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар III Республика фестивали ҳам янги истеъдодларни кашф этиб, уларнинг ижодий изланишлари билан яқиндан танишиш имконини берди.**

**Фестивалдан кейинги ўйлар**

Бу йил учинчи бор ўтказилган ёш режиссёрлар кўриги ҳам ташкилий, ҳам ижодий жиҳатдан мукаммаллашиб, янги босқичга кўтарилганини эътироф этиш лозим. Буни намойишдан ўрин олган қисқа метражли фильмлар салмоғи ва савияси яққол кўрсатиб турди. Ўндан зиёд ёш режиссёр томонидан суратга олинган фильмлар, албатта, соҳа мутахассисларини ҳам бефарқ қолдиргани йўқ. Зеро, уларда миллий кино санъатимизда кечаётган янги изланишлар, шаклланаётган услуб ва тенденциялар, мавжуд ютуғу муаммолар ҳам акс этди.



Фестивалда қатнашган фильмлар орасида, айниқса, Мухлиса Азизованинг "У" психологик картинаси кўпчиликка манзур бўлди. "Энг яхши фильм" йўналишида ғолиб деб топилган ушбу асар чуқур инсоний туйғуларга бой. Воқеалар қисқа вақт ичида юз беришига қарамай, оригинал сюжет, тўғри топилган режиссёрлик ва операторлик ечими дарҳол томошабинни ўзига маҳлиё қилади. Бош ролни россиялик машҳур актёр Дмитрий Дюжев маҳорат билан ижро этган. Унинг қаҳрамони — драматург ўз асарларида вафот этган турмуш ўртоғи билан хаёлий суҳбат қуради. Ёзувчининг севикли ёрини ижро этган актриса Раъно Шодиева оиласига садоқатли бўлган маъсума аёлнинг теран образини яратишга эришган. Эр ва хотин ўртасидаги самимий муносабат замирида асл муҳаббатнинг қудрати, барҳаётлиги намойиш этилган.



Ёш режиссёр Ботир Абдураҳмоновнинг "Она" фильми ўзбек аёлларининг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги жасоратига бағишланган. Ёлқин Тўйчиев сценарийси асосида суратга олинган картинада бош ролни Элмира Раҳимжонова ижро этади. Мард бригадир аёл сиймосини гавдалантирган актриса фронтдан келган сўнгги мактубни ўқир экан, она қалбидаги оғир изтиробни сўзсиз, руҳий ҳолат орқали очиб беради. У ўз фарзандларидан ажралиб қолган бўлса-да, етим болаларни қанотига олишга қарор қилади. Айниқса, фильм сўнгида учта фарзандни бағрига босган ўзбек онаси болаларга қарата "Мен сизларнинг онангизман", дея мурожаат қилиши томошабинга кучли таъсир қилади. Бир сўз билан айтганда, яхши сценарий ва актёрларнинг моҳирона ижроси "Она" фильмининг муваффақиятини таъминлаган.

Тарих билан ўзига хос мулоқотни Мафтуна Аллоқулованинг "Жондан азиз Хоразм" фильмида ҳам кўрамиз. Унда Хивадаги қадимий кўчалару обидалар билан уйғунликда узоқ йиллик мусофирликда юрган Мансурнинг ҳаёти очиб берилади. Воқеалар давомида Мансурнинг оғир касалга чалингани маълум бўлади. Шунга қарамай, унинг туғилиб ўсган она юртига қайтиши, яқинларини излаб топиб, ўзи улғайган ҳовлида ором олиш саҳналарида тушкун руҳ сезилмайди. Аксинча, фильмда миллий қадриятлар, она юртга муҳаббат, дўстлик тушунчалари инсон учун муҳим аҳамиятга эга экани кўрсатилади.

Достон Ҳожиматов сценарийси ва режиссёрлигида суратга олинган "Қимиз" фильми ҳам қизиқарли сюжетга эга. Бетоб бўлиб қолган фарзанди учун даъво излаб тоғу далаларни кезиб чиққан ота, ниҳоят, шифобахш қимизни топади. Аммо кичик ёшли фарзанди "Мен сутни ичмайман, уни қайтариб беринг", дейиши отани ажаблантиради. Чунки катталар илғамаган нарсани, ёш бола англаб, отнинг тойчоғи борлигини ўйлайди. Режиссёр бу орқали болалардаги табиатга, ҳайвонот оламига бўлган эътибор гоҳида катталарга ўрнак бўлишини айтмоқчи бўлади. Фильмда гўзал табиат манзаралари мисолида она юртимиз шифобахш неъматларга бойлига ҳам намойиш этилган.

Ёш ижодкорлар бугунги кун билан боғлиқ жиддий мавзуларга ҳам мурожаат қилишган. Шокир Холиқовнинг драма жанридаги "Дилемма" фильми воқеалари чекка қишлоқда яшайдиган ёш оила хонадонида юз беради. Аввалига умидли руҳда, чиройли табиат манзаралари билан бошланувчи воқеалар жиддий тус олиб, эр ва хотин оғир дардга йўлиққани ошкор бўлади. Фильм томошабинни ўйланмай қабул қилинган қарор, хиёнат охир-оқибат оила келажагига, норасида фарзанд тақдирига салбий таъсир этиши мумкинлигидан огоҳлантиради.

Умуман, фестивал доирасида намойиш этилган қисқа метражли фильмларнинг ҳар бири мухлису мутахассисларни жиддий мулоҳазага чорлади. Уларни суратга олган ижодкорлар ҳали бошловчи режиссёрлар саналишса-да, мустақил қарашга эга эканликларини исботлашди.

Қисқа вақт мобайнида юз берган воқеалар мисолида долзарб мавзуларга мурожаат қилишни, ҳатто тўлиқ метражли фильмлар юкини кўтарадиган залворли ғояларни қамраб олишнинг уддасидан чиқишган. Буни Фотиҳ Насимовнинг "Нажот", Аҳрор Баҳодировнинг "Ички ҳакам", Моҳир Муродовнинг "Фиғон", Севара Халимованинг "Нажот фариштадари", Зойир Шариповнинг "Абадий жазо", Ҳасан Алижоновнинг "Аквариум" сингари қисқа метражли картиналари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тўғри ёш режиссёрлар орасида баъзи мавзуларга нисбатан умумий қизиқиш кўзга ташланса-да, ҳар бир фильм ўзига хос бадиий талқини билан ажралиб туради. Шунингдек, ёш режиссёрлар орасида янги ижодий услубларга бўлган чанқоқликни ҳам сездик. Албатта, бу қувонарли ҳол. Аммо фильм савияси фақат изланиш доирасининг кенглиги билан ўлчанмайди. Бу жараёнда маҳорат масаласи бирламчи аҳамиятга эга эканини бўлажак режиссёр доимо ёдида тутиши керак.

Кўриниб турганидек, мамлакатимизда кино санъатига қизиқувчи истеъдодли ёшлар талайгина. "PROlogue" фестивали улар учун шунчаки тарғибот майдони эмас, балки маҳорат мактабига айланишини истардик. Анжуманда миллий кино санъатимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшган устоз ижодкорларнинг иштирок этишидан кўзланган асосий мақсад ҳам шу билан боғлиқ. Агар ёшлар бу имкониятдан унумли фойдалана олишса, келажакдаги ижодий изланишлари учун мустаҳкам пойдевор яратишлари мумкин.

**Матлуба ИСОҚОВА,**
**санъатшунос**



*Тошкент ганчкорлик мактабининг етакчи вакилларидан бири Асрол Мухторов қадим ҳунар сирларини машҳур уста Маҳмуд Усмоновдан ўрганди. Устози билан бирга кўпгина тарихий биноларни таъмирлашда иштирок этиб, маҳоратини ошириб борди. Мамлакатимиз мустақиллиги уста ижодига янги мазмун ва моҳият бахш этди. Темурийлар тарихи давлат музейи, "Туркистон" санъат саройи, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти, Олий Мажлис биносидаги ганчкорлик безаклари ҳамда уч юздан ортиқ иншоотларда Асрол Мухторов маҳорати ёрқин намоён бўлди. Айниқса, Мўйин Халфа Эшон бобо зиёратгоҳига ишланган ганч палаги, "Зангиота" меъморий-мажмуасидаги "Анбар биби" мақбарасининг ички деворларидаги ганчкорлик намуналари ўзининг нафислиги билан ажралиб туради. Тошкентнинг "Минор" масжидига кўрк бағишлаб турган ганчкорлик безаклари энг мукаммал ишларидан биридир. Уста бугун ҳам фаол изланишда.*

# ҚАНДИЛ УЗРА ЮКСАЛГАН ОРЗУЛАР

**Ҳунар — зар**

— Тошкентнинг Кўкча даҳасида яшардик, таниқли ганчкор уста Маҳмуд Усмонов бизга қўшни бўлган, — дея болалик йилларини хотирлайди А.Мухторов. — Отам у киши билан қадрдон эди. Бир куни мени эски циркнинг рўпарасида жойлашган тўгаракка олиб бордилар. У ерда кўрганларим хотирамда муҳрланиб қолган. Катта узун хона оқ фартук таққан болалар билан тирбанд. Болалар меҳр билан ўз ишини бажаришарди. Устозим камгап, меҳрибон эди. Ҳамма вазифани аниқ тушунтириб, намойиш қилиб ҳам берарди. Гипсдан тайёрланган силлиқ ҳовандага туширилган нафис нақшларни бир зумда санъат асарига айлантирарди. Буни кўриб, ганчкорликка ҳавасим кучайган. Вақт ўтиб қўлимда ганч йўрмаловчи пичоқ бемалол айланадиган бўлди. Тўгарак аъзолари билан устозимиз кўмагида илк бор қандил ясаганмиз. Устахонага ҳамма болалар йиғилган, кўзларимиз шифтга қараган. Қандил ёқилиши билан хонани қуёш ёритгандек бўлди. Ганчкорликка ҳавас ана ўша қандил ёруғи билан қалбимга сингиб, ўрнашиб қолди.

Шундай қилиб, ёш уста иш ўрганди, маҳоратини оширди... Устози билан Самарқанд шаҳрини илк бор зиёрат қилганида бу ердаги тарихий обидалар, ганчкорлик ишлари юрагига чўғ солди. Эски усталар яратган анъаналарга янги унсур ва шакллар киритиб, мустақил ишлар ярата бошлади. Ижодий ишлари жамланиб, Москва, Варшава каби шаҳарларда ўтказилган кўргазмаларга юборилди. Пойтахтимиз галереяларида очилган кўргазмаларда истеъдодли ҳунармандлар сафида ишларини намойиш этди. 1966 йилги зилзила ва шаҳарнинг зарар кўриши ёш устага қаттиқ таъсир қилди.

— Ўша кунларни эсласам, кўз олдим қоронғулашиб кетади. Шундай ғала-ғовур кунларда устоз билан Алишер Навоий номидаги театрга бордик. Бу бино ҳам яхшигина талофат кўриб, Тошпўлат Арслонқулов ва бошқа устозларнинг ишлари лат еганди. Эртасигаёқ уларни таъмирлашга киришиб кетдик. Катта усталар Жалил Ҳакимов, Рауф ота (уста Шириннинг жияни) ва бошқалар бошчилигида алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлиниб ишлаганмиз. Ўшанда ўн саккиз ёшда эдим. Устозлар кўмагида биноларни таъмирлашни ўргандим, улар чизган эскизлар, композицияларини кўриб, андоза олиб тажрибам ошди. Ҳамма усталар бир тану бир жон бўлиб ишлаб, уч ярим ойда таъмирлаш ишларини якунладик. Биз шогирдлар ёш бўлганимиз учун маъмурий бинони безаш ишларида иштирок этиш фахр эди. "Уста", дея мурожаат қилишса хурсанд бўлиб кетардик. Устозим М.Усмонов бошчилигида тарихий обидаларни таъмирлашда, метрода, Москва, Пенза каби шаҳарларда бирга ишладик. Бу мен учун катта ҳаёт мактаби вазифасини ҳам ўтади.

Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залини безаб турган ганчкорлик тўпламининг яратилишида Асрол Мухторовнинг ҳам катта ҳиссаси бор. У устози раҳбарлигида ўттиз нафар талаба билан зал деворларини ислимий ва паргорий нақшлари билан безади. Мустақил ишлашга қўли келиб қолганини кўрган устози 1979 йили "оқ фотиҳа" берди. У энди "уста" мақомида мустақил ишлай бошлади. Бухоро шаҳридаги Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасининг устун, шараф ва қандилларини безади. Пойтахтимиздаги Амалий санъат музейини ёритиб турган, минглаб сайёҳларни ҳайратга солаётган қандиллар муаллифи ҳам А.Мухторовдир. Тошкент телеминорасининг юз метр баландликда жойлашган кўк зали уста бошчилигида ишланган ганчкорлик намуналари билан безатилган. Орадан неча йиллар ўтса ҳам улар ўз нафислиги билан телеминорага ташриф буюрувчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

— Асарларимни хорижий давлатларга юборадиган бўлсам, уларни ўзим жойлаштираман, — дея таъкидлайди уста. — Улар бақувватлиги учун баъзи дўстларим "Асрол нимадир қўшади, у кимёгар", деб ҳазиллашади. Аслида бунинг сири вақт билан боғлиқ. Агар ганчкорлик безаги тезлик билан бажарилса, қаттиқлигини сақлаб қолади. Устозим билан ишлаган кезларимда ҳам мусобақа қилардик. Бир куни етти квадрат метр ганчкорлик ишини бажариб, ғолиб чиқдим. Тез ишлашни яхши кўраман. Ганчкорликда панжара услубига кўпроқ аҳамият бераман. Ёғоч ўймакорлигида ҳам бемалол ишлай оламан.

"Бир одам қўли билан меҳнат қилса, у оддий косиб, агар қўли ва ақли билан ишласа, у устадир", дея бежизга айтмаган Соҳибқирон бобомиз. Ўтмишдан мерос кўҳна анъаналарни давом эттириб келаётган Ўзбекистон халқ устаси А.Мухторов ҳам буни шогирдларига доимо таъкидлайди. Албатта, ҳар бир ишнинг ўзига яраша машаққати бор. Инсон ўз касбини севсагина, барча қийинчиликларга бардош беради. Уста бугунги кун ёшларига ҳавас қилади. Улар учун кенг, ёруғ устахоналар ташкил этилган, асбоб-анжомлар етарли, фақат ўрганиш, ишлаш керак, холос.

— Устозларимнинг ўгитларига амал қилиб кам бўлмадим. Ёш усталар ва талабалар учун "Шердор мадрасаси ганчларининг сирли олами", "Уста ва шогирд одоби" сингари китоблар нашр эттирдик. Амалий санъат музейини қайта таъмирлаш бўйича тарҳлар, янги маъмурий биноларга лойиҳалар ва моделлар ишлаганман. Шахсий кўргазмаларимни ташкил этиш ниятим ҳам бор. Мақсад ёшларда касбимизга меҳр уйғотиш, авлодларимиз анъаналарини давом эттиришга даъват қилишдир. Бизнинг ганчкорлик ишлари гипсдан ясалгани учун тез синиб қолиши мумкин. Шу боис хорижий давлатларга юборишда бироз қийинчилик туғилади. Кимёгарлар билан яқиндан ҳамкорлик қилсак, бу муаммони ҳал этса бўлади. Қўлда ўйилган, қандиллар орасига сим қўйиб, ўн метр ҳажмдаги қандил ясадим. Яъни метал конструкцияни ишга солдим. Изланса, янгилик яратса бўлар экан. Эски услубларни чуқур ўрганиб, янгиликлар киритиб, бойитиб боряпмиз.

Устанинг қўли ҳар куни ҳаракатда бўлиши керак. Шунинг учун режаларим кўп. Аввало, тарихда қоладиган катта иншоотларни безашни орзу қиламан. Қолаверса, ёшлар билан ишласам, дейман. Чунки фарзандларимиз бирор ҳунарга меҳр қўйиши бизларга боғлиқ. Ҳар бир ота-она фарзандига ҳунарли киши ҳеч қачон хор бўлмаслигини болалигиданоқ сингдириши керак. Катта бўлгач, ҳар бир ёш ўз йўлини топиб кетади, лекин ўрганган ҳунари, барибир, бир кун асқотади. Ҳунар — зар, деб бежиз айтмаган халқимиз.

**Сарвара ҚОСИМОВА ёзиб олди.**

# ҲАЁТНИНГ ЎЗИ КИНО



**Умр ибрати**

— Ҳаётингизда бирон марта ўғрилик қилганмисиз?

Театр институтидаги тажрибали устозларнинг бу саволи маҳорат имтиҳонига биринчи бор кирган абитуриентни ҳайрон қолдирди.

— Кечирасизу, бу нима деганингиз, мен ҳеч қачон ўғрилик қилмаганман ва бу ишни қилмайман, ҳатто ўғри ролини ҳам ўйнамайман.

— Сиз тушунмадингиз, — дея бошқа ўқитувчи вазиятни юмшатди. — Биз шунчаки кинода "ўғри" ролини қандай ижро қилишингизни кўрмоқчи эдик.

— Йўқ, бунақа ишни қилмаганман, қилмайман ҳам.

— Бўлди чиқиб кетинг, сизга тушунтиришнинг фойдаси йўқ экан!

Йигит чиқиб кетди. Лекин бироздан сўнг яна қайтиб кирди.

— Яна нимага келдингиз? — ажабланиб сўради ўқитувчилардан бири.

— Узр, сизларни беҳурмат қилмоқчи эмасдим. Ўзингиз шуни бажаришимни хоҳладингиз. Мана бу сизнинг ручкангиз устоз, ўғри ролини ижро этай деб шу ишни қилдим. Кечирасиз!

Бир оз сукунатдан сўнг хонадан гулдираган кулги овози эшитилдики, навбат кутаётган абутуриентлар нима бўлганини тушунмай қолишди...

— Шундай қилиб актёрлик йўналиши бўйича талабага айланганман, — дея ёшлик йилларини хотирлайди Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли режиссёр Ҳожимурод Иброҳимов. — Бу воқеа аслида қисқа метражли филм учун тайёр сценарий эмасми? Ҳаётнинг ўзи кино, деб шуни айтишса керак. Назаримда, кинорежиссурага қизиқишим ўша вақтлардаёқ пайдо бўлган.

Бугун Ҳожимурод акани ҳужжатли кино ривожига муносиб ҳисса қўшган устоз ижодкорлардан бири сифатида яхши биламиз. Узоқ йиллар давомида ушбу жанрда самарали ижод қилиб, кўплаб сара филмлар муаллифига айланган моҳир режиссёр изланишлари ёшлар учун ўрнак.

Театр институтида Тошхўжа Хўжаев, Назира Алиева сингари устозлардан курсдошлари Тўти Юсупова, Турғун Азизов, Аброр Қосимов билан биргаликда таълим олишган, талабалик чоғидаёқ турли спектаклларда роллар ўйнаб, устозлари эътиборига тушган, жумладан, "Алишер Навоий" драмасида Олим Хўжаевдек атоқли санъаткор билан саҳнада Мўмин Мирзо ролини ижро этган ёш истеъдод эгаси телевидение соҳасига қизиқиб, унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганди.

Ҳ.Иброҳимов профессионал ижодий фаолиятини 1957 йили Тошкент телестудиясида бошлади, айнан шу масканда актёрларга рол тақсимлаш, репетициялар ўтказиш, рассом ва композиторлар билан ишлашни ўрганди. Кейинчалик "Ўзбектелефильм" студиясини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди.

Режиссёр суратга олган илк ҳужжатли картиналар орасида, айниқса, "Куйла, Санобар" фильми катта муваффақиятга эришган. Ўн уч ёшли истеъдодли хонанда Санобар Раҳмонова ҳақидаги ушбу картина кўплаб мухлису мутахассислар эътиборини қозониб, режиссёрни янги изланишлар сари чорлади. "Алимовлар оиласи", "Гиёҳлар шивирлайди" сингари биографик фильмлари ҳам айнан шу даврда яратилди.

Ҳ.Иброҳимов телевидение режиссёрлари орасида биринчилардан бўлиб кўп қисмли телеспектаклларни суратга олишни бошлаган. Асқад Мухторнинг "Туғилиш", Ойбекнинг "Нур қидириб", Ғафур Ғуломнинг "Ёдгор", Ўткир Ҳошимовнинг "Одамлар нима деркин", Чингиз Айтматовнинг "Жамила", Софоколнинг "Шоҳ Эдип" асарларини муваффақиятли экранлаштирди. Таниқли шоирлар, ёзувчи ва публицистлар билан яқин ижодий ҳамкорликни йўлга қўйди, йирик саҳна дарғалари ҳақида телевизион портретлар, машҳур хонандаларнинг ижро маҳоратини намойиш этувчи фильмларни суратга олди.

Кино ва телевидение анъаналарини уйғунлаштиришга эришган режиссёр ҳамиша ижод аҳлидан илҳом оларди. Унинг "Адиб — Обид Содиқов", "Шукур Бурҳонов", "Муҳиддин Қориёқубов" сингари ҳужжатли фильмлари, "Қўшиқ ёзувчи шоирлар" туркумида Собир Абдулла, Ҳабибий, Уйғун, Зоҳиджон Обидов ижодига бағишланган теледастурлари томошабинлар эътирофини қозонган.

— Адабиёт ва санъат кино режиссёрлари учун битмас-туганмас ижодий манба, — дейди Ҳ.Иброҳимов. — Масалан, кино режиссёри адабий асарларни кам мутолаа қилган бўлса, рассомлар ижодини яхши билмаса, бу фильмнинг илк кадрлариданоқ сезилади. Чунки тасвир ва сўз уйғунлиги ҳужжатли картинанинг юраги ҳисобланади. Етук ижодкорлар ҳақида фильм, портрет ва кўрсатувлар суратга олиш жараёни мени режиссёр сифатида тарбиялаб, ўз услубимни топишимда катта ёрдам берган, деб ўйлайман. Айниқса, қалам аҳли, ёзувчи ва шоирлар билан мулоқот бадиий ижод оламини янада чуқур ҳис қилиш, англашга чорлади. Бугун шогирдларимга ҳам шу йўлдан юришни, адабиёт, санъат олами билан узвийликда ижод қилишни ўргатишга ҳаракат қиламан.

Ҳожимурод Иброҳимов ҳужжатли кинонинг жонкуярларидан бири сифатида ҳозир ҳам фаол. Режиссура соҳасидаги бой тажрибасини ёшларга ўргатишдан ташқари, ҳужжатли ва бадиий фильмларда ижодий маслаҳатчи сифатида ҳам иштирок этмоқда. Устоз режиссёр айни пайтда Темурийлар сулоласининг буюк намояндаси Мирзо Улуғбек ҳаётига бағишланган фильмни суратга олишга тайёргарлик кўраётир. Шунингдек, ўзининг машҳур "Куйла, Санобар" фильмининг янги талқинини суратга олишни ҳам режалаштирмоқда.

**Гавҳар НАЗАРОВА,**
**Санъат ва маданият институти магистранти**

# БУЛБУЛЗАБОН ХОНАНДА ЭДИ

**Яхшидан боғ**

Қорақалпоқ халқининг булбул овоз хонандаси Даутбай Қайипов шу йил 70 ёшга тўлган бўларди. Афсуски, у орамиздан эрта кетди. Бетакрор овоз соҳибининг ижро маҳорати, тингловчиларни мафтун қиладиган миллий колоритга, шодлигу қувончга тўла овози қўшиқ шайдолари қалбида ўчмас из қолдирди.



Хонанданинг мусиқий мероси ҳамон минг-минглаб мухлисларга маънавий озиқ бағишлаб келмоқда. Унинг она-Ватан, муҳаббат ва инсон қадр-қиммати каби юксак туйғулар билан суғорилган «Тошкент оқшоми», «Интизор сенга», «Олтинкўл», «Қўнғирот», «Кўзларим», «Соғинч», «Лайлим», «Ойдинлар», «Жононим», «Қадрин билмас», «Пошшойи кўйлак», «Бир парий» ва бошқа қўшиқлари ёш истеъдодлар томонидан қайта ижро этилиб, халқимизнинг маънавий мулки сифатида авлоддан-авлодга ўтмоқда. Шунингдек, таниқли хонандалар, О.Назарбеков, Ғ.Бойтоев, М.Номозов ва бошқалар репертуарида ҳам марҳум санъаткорнинг ижод намуналарини учратиш мумкин.

1980-йилларнинг ўрталарида, вафотидан сўнг Д.Қайиповга республика Ёшлар ташкилоти мукофоти берилди, хонанда номидаги ёш ижодкорлар танловлари ўтказилди, хотирасини абадийлаштириш мақсадида кўчалардан бирига номи қўйилди. «Қорақалпоқфильм» киностудияси томонидан «Сўнмас юлдуз» номли ҳужжатли фильм суратга олинди. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигига қарашли ижодий жамоа Даутбай Қайипов номи билан аталди.

Республикамиз жамоатчилиги, санъат жонкуярлари ташаббуси билан 2006 йили фаолиятини бошлаган Республика Д.Қайипов номидаги жамоат фондининг энг асосий мақсади истеъдодли ёш ижрочиларни топиш, танловлар асосида концерт дастурлари ташкил этиш, халқимизнинг қўшиқчилик санъати ривожига ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Д.Қайипов хотирасига бағишланган «Булбулзабон» республика танлови мазкур жамоат фонди томонидан анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда. Шу кунгача ўтказилган танловларда беш юзга яқин ёш истеъдод соҳиби қатнашиб, улардан қирққа яқини ғолибликни қўлга киритган. Ҳозирда бу истеъдод эгалари республикамизнинг Мустақиллик ва Наврўз байрамларида ва бошқа қатор маданий-маърифий тадбирларда қатнашиб келмоқда. Мазкур фондга Д.Қайиповнинг фарзанди, ота йўлининг муносиб давомчиси, истеъдодли хонанда Баҳодир Қайипов раҳбарлик қилади.

— Ижрочиликда келажак авлодга муносиб мерос қолдирган инсоннинг фарзанди эканимдан фахрланаман, — дейди санъаткорнинг ўғли. — Жамоат фонди фаолиятини янада такомиллаштиришда доимий қўллаб-қувватлаб келаётган раҳбарлар, ижодий жамоалар ва кўп сонли ҳомийларга миннатдорлик билдираман. Мамлакатимизда қобилиятли ёшлар жуда кўп. Шу кунларда отамнинг хотирасига бағишлаб навбатдаги VII «Булбулзабон» ёш ижодкорлар республика танловини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

**Чаржау ЕЛМУРАДОВ**

# ФАРҒОНАДА КИТОБХОНЛАР ФОРУМИ

***Фарғонада "Йилнинг энг яхши китобхони" форуми бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоир-ёзувчилар, олимлар, талаба-ёшлар, ўқувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.***



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда изчил ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккурини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтиришда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Китобхонликни ривожлантириш, ўқиш маданияти ва мутолаа кўникмасини юксалтириш, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиб, тенгдошларига намуна бўлаётган китобхонларни рағбатлантириш мақсадида "Йилнинг энг яхши китобхони" форуми ташкил этилди.

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида ўтказилган форумда "Кутубхонанинг китобсевари", "Матбуот нашрлари ишқибози", "Янги авлод китобхони", "Энг фаол ва ташаббускор китобхон", "Энг кичик китобхон" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, ҳамкор ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

– Юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялашнинг энг оддий усули – китоб ўқишни ўргатиш ва бу энг қизиқарли машғулот эканини тушунтириб бериш, – дейди Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Шоҳидбек Аслонов. – Энг муҳими, уларга ёқадиган китоблар топиш ва уларни ўқишга имконият яратиб беришдир. Шу маънода, бугун ёшларимиз кенг фойдаланаётган ижтимоий тармоқлар орқали уларни кутубхонага жалб этишга ҳаракат қиляпмиз. Фейсбук, инстаграм, телеграмм тармоқларида ҳар куни биттадан янги китоб ёшларга ўқиш учун тавсия этилмоқда. "Мен ўқишни севаман", "Кутубхона менинг ҳаётимда" акциялари, "Эркин камера" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу ёшларни кутубхонага кенг жалб этишга ёрдам бераётир. Бугунги кунда марказимизнинг 30 мингга яқин аъзоси бор ва улар бу ердаги имкониятлардан тўлақонли фойдаланмоқда. Йил давомида 8 минг 355 китобхон рўйхатга олинди. Бу ўтган йилга нисбатан 2 минг 500 га кўп демакдир. Аъзоларимизнинг кутубхонага қатнови 173 минг мартага етди ва улар ярим миллиондан ортиқ китоб ўқиди.

Форумни ҳар йили декабрь ойининг иккинчи ярмида ўтказишга келишиб олинди.

Тадбир давомида Фарғона шаҳар санъат коллежининг "Ниҳол" ансамбли томонидан ўзбек ва жаҳон классик асарлари жонли ижро этилди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ДОВОН ОШИБ

**Тўлқин Ҳайит ёзувчи, ношир, публицист, тадқиқотчи. Ҳар сафар Тўлқинни ўйлаганимда хаёлимга ана шу таърифот келаверади. Тўлқинни таниганимга ҳам 30-35 йил бўлибди. Қаранг, умр оқар дарё экан, орадан шунча йиллар ўтиб кетибди. Мана энди Тўлқин укам беш мучални от қилиб миниб, камолат деб аталмиш қутлуғ мақомга етиб турибди.**

Эътироф

Беихтиёр илк учрашувимиз эсга тушди. «Муштум» журналида ишлардим. Бир куни хушбичим, кулчаюз, кўзлари тийрак йигит кириб келди.

– Бир-икки ҳикоя олиб келувдим, кўриб берасизми? – деди у ийманиб.

– Кўриб берамиз, бизга маъқул бўлса, чиқариб ҳам берамиз, қани, чўзинг-чи, – дедим ҳазиллашиб.

Ҳангомаларга кўз югуртирдим. Жанубий вилоятларимизда яшайдиган содда, тўпори одамлар ҳаёти ҳақида бир чимдим кулги ила ёзилган нарсалар экан. Ҳикояларда маъно-мазмун бору, лекин ўқувчи қоқилмай – сурилмай ўқийдиган ҳолатга етмаган эди. Ёш муаллифга керакли маслаҳатимизни бердик.

– Буларни эринмай яна бир-икки марта қайта ишланг. Абдулла Қаҳҳордек аллома ҳам битта ҳикоясини олти марта ишлаган экан. Пахтанинг ичида ўсган экансиз, ягана қилинг, чилпинг, бегона ўтлардан тозаланг.

Муаллиф рози бўлиб чиқиб кетди. Анча кундан кейин битта ҳикоясини олиб келди. Унга ранг кириб, ярқираб қолган эди. "Дашнобод ҳангомалари" рукнида журналда босдик. Шундай қилиб, адабиётимизда ёш, умидли бир ёзувчи пайдо бўлди.

Йиллар ўтди. Адабий жараён туфайли Тўлқин билан оға-инидек яқин бўлиб кетдик. Бир куни унинг қишлоғига ҳам бордик. Сурхондарёнинг энг чекка туманидаги Дашнобод деган кўркам манзил экан. Қаёққа қараманг ғуж-ғуж анорзор. Қирлар, боғлар, ҳовлилар анор билан зийнатланган. Ўзбекистонда анор етиштириб номи чиққан учта машҳур қишлоқ бўлса, биттаси мана шу Дашнобод экан.

Тўлқиннинг бирин-кетин китоблари чиқа бошлади. Ҳикоялар, бадиалар, жажжи қиссалар, эсселар...

Қарасам, укагинамнинг ёши қирқни қоралаб қолибди. Бир куни учрашганимизда унга бошимдан ўтган бир воқеани айтиб бердим. Воқеа (тўғриroғи ҳам насиҳат, ҳам маслаҳат) мана бундоқ рўй берган эди.

"Муштум"да ишлар эдим. Бир куни ҳозирги Сайлгоҳ кўчасининг бошида атоқли ёзувчимиз Мирзакалон Исмоилий домлага дуч келдим. Саломаликдан сўнг устоз ўз одатларига кўра дангал мақсадга ўтдилар.

– Ёзганларингизни ўқиб турибман. Ёмон эмас. Жулқунбойга тақлидан дуруст ёзаяпсиз. Тил, мажоз, мутойиба ҳам ўрнида. Аммо майда-чуйда нарсалар билан умрингизни ўтказиб юбормаяпсизми? Бир ўйлаб кўринг. Менинг хатоимни сиз такрорламанг. Кўп таржималар қилдим. Тирикчилик, дедик, рўзғор бут бўлсин, дедик. Уларнинг ҳисобига яна иккитагина роман ёзсам, бўлмасмиди? Вodариғ, кеч бўлди. Насибингиз бутун бўлса, кун ўтаверади, энди қадамни каттароқ ташланг, укам, сизга ишонганим учун айтаяпман, тағин хафа бўлиб юрманг-а?

Домланинг гапидан Тўлқин тўғри хулоса чиқарди. Уч-тўрт йил ўтмай у биринчи романини ёзиб тугатди. Роман "Турон тунлари" деб аталар ва соҳибқирон Амир Темур ҳаётига бағишланган эди. Назаримда, Тўлқин Ҳайит буюк Амир Темур ва темирийлар кечмишини ёритаман, деб гўё ўзига ваъда бергандек эди. Бир неча йиллик машаққатли изланиш ва меҳнат туфайли Тўлқин "Вафо маликаси" романини ёзди. Бу – навжувон Темурнинг гуллаган ёшлик йилларидан ҳикоя қилувчи лирик, самимий асар. Тўлқин икки романи билан ўқувчилар назарига тушди, уринчоқ, заҳматкаш бир ижодкор сифатида катта адабиёт карвонига қўшилди.

Мен юқорида Тўлқинни ношир ва публицист, деб бежиз таърифламадим. Рости, у узоқ йиллар оммавий газеталарга бош муҳаррирлик қилди, телевидениеда масъул вазифаларда ишлади. Шу тарзда матбуотимизда замонавий руҳнинг шаклланишига ҳиссасини қўшди.

Тўлқиннинг публицистик фаолияти, халқ хотирасидан унутилаёзган буюк аждодларимиз ҳақидаги эсселари, очерклари, илмий-маърифий тадқиқотлари ҳақида алоҳида ёзиш мумкин. Бундай асарлар сирасига "Бобур авлодлари", "Темурий маликалар", "Темурий ижодкорлар" сингари бадиаларни киритиш жоиз.

Халқ тилида бир ҳикмат юради. Тинч оқар дарё чуқур бўлади, дейдилар. Бу матални мен Тўлқин мисолида қўллагим келади. Бир қарашда Тўлқин Ҳайит оғир-босиқ, камсуқум, зоҳиран шиддатли эмасдек. Аммо унинг қилаётган ишларига, ижодига ботинан боқсангиз Тўлқиннинг ғайрати юрагида, қувваи ҳофизасида эканлигига гувоҳ бўласиз. Шунинг учун йилма-йил китоблар чиқараяпти. Сўзимнинг исботи учун унинг яқинда чоп этилган янги романини келтиришим мумкин: "Баҳоуддин Нақшбанд ёхуд Бурoқ водийси" деб аталади. Асар Нақшбандия тариқатининг пешвоси, авлиёи кабир ҳазрат Баҳоуддин ҳақида битилган биринчи кўламли асар сифатида мухлисларни шод этди, десак янглишмайсиз.

Устоз Асқад Мухторнинг ибратли гапи бор эди. Қирда турган одам ён-атрофини кўради, довонда турган киши узоқларни кўради, дер эди. Мен шу қутлуғ айёмда Тўлқин инимга довонлар ошиб чарчамаслигини, қаламидан нур тўкилишини тилайман.

**Саъдулла СИЁЕВ**

# МУМТОЗ МУСИҚАМИЗ ГУЛТОЖИ

***Ҳамкасблар билан "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президентимиз қарорини бандма-банд ўрганиб чиқар эканмиз, беихтиёр кўз ўнгимиздан мақом тараққиёти учун хизмат қилган буюк бастакорлар, ҳассос ҳофиз ва созандалар, мақомшунослик фани жонкуярлари бирма-бир ўтаверди.***

Ўзбек халқининг мақом мулкини авайлаб-асраш, нотага олиб илмий ўрганиш, замонавий таълимни йўлга қўйиш, ижодий ва ижровий талқинларни бойитиб шинавандаларга етказиш жараёни замонлар оша давом этаверади. Ўтган асрда даставвал Абдурауф Фитрат, Матюсуф Харратов, Виктор Успенский, кейинчалик Юнус Ражабий, Фахриддин Содиқов, Матниёз Юсупов, Исҳоқ Ражабов, Файзулла Кароматов ва бошқаларнинг машаққатли илмий-ижодий меҳнатлари, айниқса, самарали бўлди. Ўзига хос "мусиқий қомусимиз"ни ардоқлаган машҳур ҳофиз ва созандаларнинг неча-неча авлоди маҳорати билан тингловчиларга сидқидилдан хизмат қилди.

Марказий Осиёда ўрта асрларда ишлаб чиқилган умумшарқ "12 мақом" тизими негизида азим Бухорода "Шашмақом" туркуми барпо этилгани маълум. Унинг таъсири остида Хивада узил-кесил шаклланган "Олти ярим мақом", ўзига хос Фарғона-Тошкент мақом йўллари, қолаверса, воҳаларда кенг тарқалган танбур, дутор, сурнай мақом куйлари, мақом ашулалари миллий мусиқамиз хазинасини бойитди.

Халқ даҳоси ила яралган жонли санъатни ўрганиш ва тараннум этишда эришилган катта ютуқларни кўриб қувондик, бу йўлда ечимини кутаётган муаммолар ҳам тўпланиб қолди. Тан олиш керак, сўнгги ўн йилликлар мобайнида жамиятимизнинг муайян қисми, айниқса, ёшлар асл миллий мусиқа қадриятларидан узоқлашди. Пайдо бўлган бўшлиқни эса келиб чиқиши мавҳум, аммо шовқини баланд, тақлид йўлида қўлбола ясалган "замонавий қўшиқчилик" эгаллади. Бу "оммавий маданият"нинг биргина кўриниши.

Муносабат

Мамлакатимиз бўйлаб таралаётган радио ва теле концерт дастурлари таркиби анча "енгил"лашиб, ўқувчи эҳтиёжини қондиришга қаратилган илмий-маърифий адабиётлар кўзга ташланмай қолди. Мақом тугул, мусиқа санъатига ихтисослашган журнал ҳам, газета ҳам йўқлиги, талабгорлар учун суҳбатли концертлар ўтказилмаётгани сир эмас. Қолаверса, умумтаълим мактабларда "Мусиқа" фанига панжа орасидан қаралиши, дарсликларда мақом ва бошқа мумтоз мусиқа жанрлари кўринмаслиги, мақом ва мумтоз ашулалар эфирларда деярли янграмаслиги бу борадаги саводхонликка путур етказаётгани сир эмас. Бундай вазиятда ўспиринлар кўча куй-қўшиқлари ўровида қолиб кетаётганига ажабланмаса бўлади.

Ваҳоланки, мурғак қалбда ҳис-туйғулар тарбияланишида, инсоний фазилатларнинг камол топишида, эстетик дид ва бадиий тафаккурнинг ўсишида, кенг фалсафий дунёқарашлар шаклланишида мумтоз мусиқанинг аҳамияти бениҳоя катта.

Эл-юртимизда мақом санъатини янги босқичга кўтариб, ҳар томонлама равнақ топтириш учун илк бор "Ўзбекистон миллий мақом санъати маркази" давлат муассасасининг ташкил этилгани таҳсинга лойиқ. Унинг зиммасига мақомга оид барча фаолият турларини мувофиқлаштириш, жамиятимиз руҳий-маънавий соғлом бўлишига хизмат қилувчи барча зарур воситалардан унумли фойдаланиш юклатилгани бежиз эмас.

Шу қаторда мақом санъатининг "олтин фонди"ни яратиш ва бойитиш, ўзига хос ижро мактаблари, анъаналарини сақлаш ва кўпайтириш, мақом таълимини такомиллаштириш, илмий-назарий тадқиқотлар ва ўқув-услубий адабиётлар яратиш, Ўзбекистон мақом санъатининг халқаро нуфузини ошириш мақсадида ихтисослашган анжуманларни мунтазам ўтказиш белгилангани, шубҳасиз, соҳанинг равнақига хизмат қилади.

**Равшан ЮНУСОВ,**
**санъатшунослик фанлари номзоди, профессор**

# ДИЛДОШ НАВОЛАР

Қардош, биродар халқларнинг куй-қўшиқлари ҳам бир-бирига дилдош, ҳамоҳанг бўлади. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўтган "Қорақалпоқ наволари ўзбек ёшлари ижросида" номли концерт дастури бунинг ёрқин мисолига айланди.

Институтнинг "Фольклор ва этнография" кафедраси ўқитувчиси Бибиайша Қудайбергенова бадиий раҳбарлигида ташкил этилган мазкур кечада барча қўшиқлар жонли ижрода куйланди. Мухлислар қорақалпоқ халқининг "Қарақалпақдин неси бар", "Нигорим", "Қурдасжан", "Қиз ҳазили", "Қорақалпоқ қиздари", "Бибисанем" сингари машҳур наволаридан баҳраманд бўлишди. Қорақалпоқ тилидаги қўшиқларни институтнинг истеъдодли талабалари Юлдуз Абдураҳмонова, Бегзод Эргашев, Рамзжон Зокиров, Дилрабо Муҳаммадюсупова, Мафтуна Тўраева маҳорат билан ижро этди. Шунингдек, кечада Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов шеъри асосида Парахат Мамутов ижросида "Менинг жигит вақтим" қўшиғи ҳам янгича талқинда янгради.

Тадбирда сўзга чиққан институт ректорининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Давлат Муллажонов таъкидлаганидек, халқ оғзаки ижоди намуналари, миллий куй-қўшиқлар вақт синовидан ўтган бебаҳо мерос. Улар анъана ва қадриятлари, тарихию келажаги бир бўлган халқлар ўртасида дўстлик, бирдамлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Дамир ЎРАЗБАЕВ,**
**Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Санъат ва маданият институти магистрантлари**

# УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ

Элимиз ардоғидаги устоз санъаткор, академик Юнус Ражабий таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб пойтахтимизнинг Яккасарой туманида улуғ ижодкор номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида хотира кечаси бўлиб ўтди. Туман ҳокимлиги ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда мақом ихлосмандлари, ёшлар, устоз санъаткорнинг шогирдлари ва оила аъзолари иштирок этишди.

Кечада буюк санъаткорнинг ҳаёти ва ижод йўли, миллий маданиятимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз юритилди. Айниқса, ўзбек мусиқа санъатининг нодир дурдоналарини нотага тушириб, машҳур "Шашмақом", "Мусиқий меросимизга бир назар" ва "Мусиқий рисола" каби асарларни нашр эттиргани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, тадбир давомида устоз санъаткор келажак авлодларга мерос қилиб қолдирган мумтоз асарлардан намуналар ҳам ижро этилди.

**Рисолат АҲМЕДОВА,**
**талаба**

# БАЙРАМ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТСИН

Янги йил яқинлашмоқда. Албатта, янги йилни турли ўйинчоқлар осилган арчасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ранг-баранг товланаётган арча ўйинчоқлари қайси болани ўзига ром қилмайди, дейсиз. Аммо жуда кўп ҳолларда ана шундай ёниб-ўчадиган арча ўйинчоқлари туфайли ёнғин содир бўлаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнғин. Айнан шу офат туфайли бутун дунё бўйлаб йилига қанчадан-қанча одам бошпанасиз қолади, соғлиғидан ажралади. Айни пайтда қиш мавсумида бу талафотнинг кўрсаткичи янада ошади. Чунки қўлбола электр иситкичларидан, газ ускуналаридан фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ҳоллари кўп учрайди.

Ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун ҳар бир фуқаро оддийгина ёнғин хавфсизлигига қарши фаол кураш олиб боришлари лозим бўлади. Шунингдек, ёниб турган газ ва электр печларини уйда каровсиз қолдирмаслик ёхуд ёш болаларга ишониб топшириш ҳам хавфсизлигимизга таҳдид солувчи омиллардан эканлигини унутмайлик. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, кўпинча болаларнинг қишки таътилда турли пиротехника воситаларидан фойдаланиши ёнғинга сабаб бўлмоқда. Ана шундай лоқайдлик туфайли эса ёнғин билан боғлиқ аянчли воқеалар юз бермоқда. Зеро, ҳеч ким фарзандининг ёки яқинларининг ёнғин туфайли ногирон бўлиб қолишини ёки ҳаётдан бевақт кетишини истамайди.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилса турли офатларнинг олди олинган бўларди. Зеро, халқимиз ўт балосидан асрасин, дея бежиз айтмайди. Янги йилни талафотларсиз кутиб олишни истасангиз, огоҳлик кундалик шиорингизга айлансин.

**С.ХАЛИЛОВ, Ш.ҚОДИРОВ, Д.ЗУПАРОВ,**
**Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари**

# ЭЪТИБОРСИЗЛИК ТАЛАФОТ КЕЛТИРАДИ

Огоҳлик

Турмушимизда "зангори олов", электр иситиш жиҳозларидан кенг қўлланилади. Қиш мавсумида эса уларга эҳтиёж янада ортади. Ёнғинга қарши кураш, хавфдан доимо огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоғи лозим. Акс ҳолда озгина эътиборсизлик туфайли содир бўлган ёнғин нафақат оилага, давлатга моддий талафот, балки инсон соғлиғига ҳам катта зарар етказади.

Нохуш ҳолатлар рўй бермаслиги учун газ плитаси ўрнатилган хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган иситиш мосламаларининг мўрилари тозалигига эътибор қаратиш керак. Кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган буюмлар тез ёнишидан ташқари, ўзидан зарарли моддаларни чиқариши билан ҳам хавфли. Қиш мавсумида нафақат иншоотлар, идораю ташкилотлар, балки хонадонларда ҳам ёнғин содир бўлишининг олдини олиш мақсадида чора-тадбирларни кўриш фойдадан холи бўлмайди. Яъни электр симлари, иситиш тармоқлари обдон текширилиб, носоз жойлари таъмирланиши, бирламчи ўт ўчириш воситалари жамланган стендлар ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбошимчалик билан электр симларини улаш ҳам хавфли эканлигини унутмаслик даркор. Янги йил арафасида пиротехника воситаларидан фойдаланиш, арча ўйинчоқларини токдан узиб қўймаслик ҳам аянчли воқеаларга олиб келишини доимо ёдда тутмоқ лозим.

Ҳозирги пайтда ёнғинга қарши кураш, унинг олдини олишда замонавий ёнғин хавфи ҳақида зудлик билан огоҳ этувчи хабарлаш воситалари, назорат мосламалари муҳим аҳамият касб этади. Бу мосламаларни ўрнатиш орқали эса ёнғин туфайли келиб чиқадиган нохуш ҳолатларнинг олди олинади.

**М.ТУРСУНОВ, О.САИДАХМЕТОВ, А.АЛМЕТОВ,**
**Ёнғинга қарши кураш хизмати ходимлари**

---

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ устаси

**Абдуғани АБДУЛЛАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Бадиий жамолари ижодий бирлашмаси "Навбаҳор" ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Ҳожиакбар РАҲМАТОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

---

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Ҳамидулла Акбаровга ўғли

**БЕХЗОД**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

---

Газетанинг навбатдаги сони 2018 йил 1 январ, душанба куни чиқади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86* *Санъат бўлими: 233-56-40*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙЙИД

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.*
*Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.05

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 3332. Буюртма Г — 1282. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6*

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.
ISSN 2181-614X